


А.ШЕРАЛИЕВ, У.Х.РАХИМОВ,
К.Х.БУХОРОВ



БАКТЕРИОЛОГИЯ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



ТОШКЕНТ – 2015

Укув кулланма Ўзбекистан Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бактериология» у^ку^в фани дастури асосида ёзилган бўлиб, кишлоқ хужалик олий укув юртларининг Усимликларни химоя қилиш ва карантини йуналиши талабалари учун мулжалланган.

Ушбу фанга дойр асосий билим, малака ва куникмаларга эга бўлиш учун бактерияларнинг морфологияси, систематикаси, биологик хусусиятлари, қупайиши ва улар келтириб чиқарадиган касалликларнинг турларини, тарқалишини, зарарини, ички ва ташқи белгиларини ҳамда уларга қарши қураш чораларини мукамал билиш керак.

Укув кулланмаси бакалаврият босқичи талабаларига, магистрларга, соҳа бўйича мутахассисларга, фан бўйича педагогларга ва кенг китобхон оммаси учун мулжалланган.

Тузувчилар:

Шералиев Абдусайд Кишлоқ хужалик биотехнологияси ва Шералиевич
фитопатологиясикафедраси профессори, биология
фанлари доктори

Рахимов Учқун Кишлоқ хужалик биотехнологияси ва
Хамраевич фитопатологияси кафедраси мудири, доцент,
биология фанлари номзоди

Бухоров Комил Кишлоқ хужалик биотехнологияси ва
Хушвақтовнч фитопатологияси кафедраси доценти, биология
фанлари номзоди

Такризчилар:

Х.Х.Нуралиев ТошДАУ Усимликларни химоя қилиш кафедраси
доценти, биология фанлари номзоди

М. Ҳ.Зупаров -рҒ л*¹ ТтфЩАУ Кишлоқ хужалик биотехнологияси ва
■ фктопатолоб|яси кафедрасининг доценти,
Цу, 2. f) Ц биология ффнлари номзоди.

ИНВ № - -----Г

{Бактериология’ фани бўйича^ укув кулланмаси “Кишлоқ хужалиги
s биотехнолориястг~ва ф итб п ато лбгй я с и ” кафедрасининг умумий йигилишида
(2014 йил, мажлис баёни № 5), “Селекция, уруғчилик ва усимликларни химоя
қилиш” факультетининг укув-услубий кенгашида (2014 йил №5 баённома)
ҳамда ТошДАУ укув-услубий кенгашида (2014 йил 17 апрелдаги №3 мажлис
баёни) қуриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.

kill'll IN

Республикамиз кишлок хужалигида нктисодий ислохатларни чуқурлаштириш дастурида Ўзбекистан 1'еспубликаси Президента И.А.Каримов (1998Й) таъкидлаганидек: - "Кишлок хужалигидаги барча агротехника ва агрокимё чора-тадбирларини илм фан тавсияномаларига ва ил гор. тажрибаларга мувофик утказиш, бетона утларга, зараркунандаларга ҳамда усимлик касалликларига карши кураш чораларини жорий килиишца, чидамли навларни яратишдаги муаммоларни ечишда мутлако янгича ёндошув булиши кераклигини такозо килади".

Республика кишлок хужалигида иктисодий ислохатларни амапга оширишда у^{симликларнинг} касалликларига чидамли навларни яратиш, уларни кишлок хужалигига жорий килиш асосида экинларнинг касалланишини олдини олиш ва хосилини нобуд булишига йул куймаслик, уларга карши кураш чораларини уз вактида утказиш >нг долзарб масаладир.

Кишлок хужапигининг илгор технологиялар асосида ривожланиши, фитопатология фани ютуқларининг такомиллашиб боришини, усимликларда учрайдиган касалликларни мукамал урганишни ва касалликларга чидамлилигини орттиришни, дехкончилик маданиятини ошириш учун кишлок хужалигига интенсив технологияларни жорий килишни такозо килмокда.

Мавжуд маълумотларга асосан, бугдойда 148 та (М.В. Горленко), канд лавлагиди 15 та (С.Ф.Морочковский), маккажухорида ЮЗ та (Ф.Е.Немлюенко), эманда 280 та, карагайда 181 та (Н.А. Черемисинов), гузада 100 та турдаги касалликлар ва 214 та хашаротлар борлиги аниқланган. Бу касалликларга карши курашдан кура касалликларнинг олдини олиш, улар келтирадиган зарарни кескин камайтиради.

Кишлок хужалик экинларида учрайдиган бактериал касалликларнинг турларини, зарарини аниқлаш, касалликларнинг диагностик белгилари асосидаги билимларга суянган холда, усимликларнинг касалликларга чидамсизлик хусусиятларини хосил булиш конуниятлари билан гаништириш, касаллик кузгатувчиларининг биологик хусусиятларини намоён булишини урганиш асосида уларга карши кураш чораларини амалга ошириш мухим илмий ва амалий ахамиятга эга.

Усимликларнинг касалликларини келтириб чикарувчи микроорганизмлар турлар таркибини, биологиясини, тараккиёти ва таркалиш конуниятларини, патологик жараённинг вужудга келишини билиш, усимликларни химоя килишда илмий фундамент хисобланади.

Турли микроорганизмлар келтириб чикарадиган касалликларга карши кураш чораларини тугри ишлаб чикиш атроф мухитни мухофаза килишда ҳам мухим ахамиятга эга. Кишлок хужалик экинларини микрофитофаглардан мухофаза килишдан асосий максад, уларнинг хосилдорлигини ошириш ва махсулот сифатини яхшилашдир. Чунки, микроорганизмлар келтириб

чиқарадиган касалликлар кишлоқ хужапигига катта зарар келтирмоқда ва келтиради.

Фитопатоген микроорганизмларнинг 40 000 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, улар турли систематик бирликларга мансуб, паразитлик, патогенлик ва ихтисослашиш хусусиятларига эга.

Кишлоқ хужалик экинларида касаллик кузгатувчи микроорганизмлардан замбуруғлар, бактериялар, микоплазмалар ва вирус ва вироидлар тузилиши жуда содда бўлсада, хужайин усимлик билан муносабатига кура узига хос мураккаб жараёнларни амалга ошириш хусусиятларга эга.

Хақиқий паразитлар ҳаёгий цикли тирик усимликларда утади. Факультатив паразитлар эса тирик усимликларда паразитлик қилиши ва сапротроф усулда тупроқда ҳаёт кечириши мумкин. Бу гуруҳлар орасида бир- бирига утиши хусусиятига эга бўлган гуруҳлар ҳам мавжуд.

Фитопатоген бактериялар бир йиллик, куп йиллик, утсимон, дарахтсимон усимликларни вегетация даврида ер усти ва ер ости органларини, уларнинг донини, меvasини касаллантириши, сабзавот, полиз экинларини саклаш даврида чиришига сабаб бўлади.

Касалликларини кузгатувчи патоген микроорганизмлар ва усимлик орасидаги муносабат мураккаб жараёндир. Бунда усимликнинг метаболизми, унинг усиши, ривожланиши, морфологик белгилари ва ҳосилдорлиги кескин узгаради. Патоген организмлар усимлик аъзолари ичига кириб, протоплазманинг **утказиш** қобилятини сустлаштириши (хужайрага захарли метаболитларнинг кириши), хужайра органолларини (ядро, митохондрий) тузилиши ва улчамини узгартиради, қуғина биохимик жараёнларга турли босқичларда нафас олишига, углеводлар, оксид, аминокислота ва витаминларнинг алмашилиши, сув режими ва фотосинтетик фаоллигига таъсир курсатади.

Бактериал касалликларга қарши кураш чоралари иккита гуруҳга бўлинади: биринчи гуруҳга усимликнинг чидамлилиқ хусусиятини барча агротехник тадбирларни қуллаб, уни ошириш ва бактериозга қарши чидамли навлардан фойдаланиш. Касалликка қарши курашда чидамли навларни яратиш радикал (асосий) йул ҳисобланади. Лекин бир ҳудуд бир минтақада чидамли бўлган навлар, бошқа бир минтақада чидамсизлиқни намоён қилади. Бу тадбирлар орасида усимликни устириш учун қулай шароит яратиш, юсак агротехник тадбирларга амал қилиш муҳим тадбир ҳисобланади. Усимлик қолдиқларини йук қилиш, уруғларни қуриштиш ва 14-15,5% намликда уруғларни саклаш, омборхоналарни дезинфекциялаш, тупроқни чуқур ҳайдаш ва алмашлаб экишда экин турини тугри танлаш муҳимдир.

Касалликка қарши курашдаги иккинчи йуналиш инфекция манбайини йукотиш ҳисобланади. Бунда инфекциянинг асосий манбайи ҳисобланган уруғни экишдан олдин дорилаш муҳим тадбирдир. Дорилаш экишдан олдин ёки экиш олдида утказилади. Дорилашда фойдаланиладиган фунгицидлар касалликнинг манбайини йук қилишга ёки айрим касалликларга танлаб таъсир қилишга қаратилган бўлиш керак.

Касалликка карши курашда усимлик чидамлилиги оширишга ёрдам берадиган моддалардан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, усимликлардаги чириш касаллигига карши сунлирилган оҳак (5 кг/т) ва мис, бор, рух микроэлементларидан фойдаланиш яхши Самара беради.

Бактериал касалликларга карши замонавий кураш чораларини ишлаб чиқаришда антибиотиклардан фойдаланиш ҳам самарали, ҳам муваффақиятли пул ҳисобланади. Бунинг учун касаллик кузгатувчиларнинг биологиясини билиш, касаллик чораларини белгилашда комплекс тадбирларни: агротехник, кимёвий, биологик чораларни бирга куллаш яхши Самара беради. Курсатилган касалликларнинг инфекция манбайини тарқалишида ва сакданишида тупрок, бегона утлар, хашаротлар ҳам асосий манба ҳисобланади.

Касалликка карши курашда курсатилган тадбирлар билан биргаликда карантин тадбирларини утказиш ҳам яхши Самара беради.

Касалликларга карши курашдан кура, уларнинг олдини олиш муҳимдир. Бунинг учун касаллик келтириб чиқарадиган кузгатувчиларни тугри аниклаш, касаллик белгиларининг намоён бўлиши, инфекция манбаларини билиб, уларга карши кураш чораларини тугри белгилаш касалликнинг зарарини кескин камайтиради.

Ҳозирги вақтда усимликлар касалликларига карши агротехник, биологик, физикавий, кимёвий кураш чоралари кенг қулланилмоқда. Бу кураш чораларини тугри белгилашда малакапи мутахассисларнинг билим савияси ва қуникмаси муҳим аҳамиятга эга. Малакапи мутахассислар зарарли микроорганизмлар тугрисида тулик тушунчага эга бўлиши, уларнинг тарқалишини олдиндан башорат қилишга, зарарини аниқлай билишга, кураш чораларини тугри белгилашга имкон беради.

Кишлоқ хужапик усимликларининг касалликлари экологик шароитга боғлиқ равишда экинларга турли муддатларда турлича зарар етказди. Баъзан етиштирилган маҳсулотнинг сифати кескин ёмонлашиб, микдори камайиб кетади. Ҳозирги вақтда ҳар бир фермер, кишлоқ хужапик мутахассиси экинлар касалликларини тугри аниқлаб, замонавий кураш чораларини куллаш асосида ҳосилдорлиқни сакдаб қолмоқда. Шунинг учун умумий фитопатология ва кишлоқ хужапик фитопатологиясига оид билимларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш таълим тизимида муҳим Урин эгаллайди.

Қулланманинг биринчи қисмида фаннинг мақсади ва вазифалари, касаллик келтириб чиқарувчи бактерияларнинг морфологияси, систематикаси, биологияси ва уларнинг қупайиши тугрисида тушунча берилган. Қулланманинг иккинчи қисмида микроорганизмлар келтириб чиқарадиган касалликларнинг ташқи ва ички белгилари, тарқалиши, касаллик кузгатувчи турларнинг инфекция манбайи ва карши кураш чоралари баён этилган.

Муаллиф уқув қулланмани тайёрлашда Билай В.И., Головин П.Н., Дементьева М.И., Қаримов М.А., Пересипкин В.Ф., Хохряков М.К., М.В. Горленко каби олимларнинг бактериология, микология ва фитопатология соҳасида туплаган илмий маълумотларига асосланиб, маҳаллий шароит

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда узининг кўп йиллик педагогик тажрибалари асосида умумлаштирди.

Кейинги йилларда матбуотда усимлик касалликларига қарши кураш борасида кўп фундаментал ишлар қўй этилган бўлсада, улар мутахассислари томонидан хориж тилларида ёзилган бўлганидан, маҳаллий мутахассисларга етиб боришида ва кадрлар тайёрлашда уларнинг адабиётлар билан таъминланишида ўзг. а хос қийинчиликларни тўғдирибди.

Бу қийинчиликларни қартира қилишда “Бактериология” фанидан ўқув қўлланмасини қўй этилиши малакали кадрлар тайёрлашда муҳим қадам бўлади. Муаллифлар ўқид билдирадиги, ўзг. ўқув қўлланма қишлоқ хўжалиги, усимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар, агрономлар фермерлар, тадқиқотчилар, магистрлар, талабалар ўқид фойдали бўлиб, уни қелажакда яхшилаш ўқид муштариоларнинг фикр, мулоҳазаларини қамқуният билан қабул қилади.

ФАННИНГ МАКСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

Фаннинг мақсади - кишлоқ хўжалик экинларида касаллик кузгатувчи бактерияларнинг тузилишини, тарқалишини. биологиясини, классификациясини, кишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун касалликларга қарши самарали кураш чораларини ургатишдир.

Фаннинг вазифаси - усимликларда бактериал касалликларни келиб чиқиш сабабларини, талабаларга ҳар томонлама ургатиш, касалланган усимлик ва патоген уртасидаги муносабатларнинг қонуниятларини, патогенларнинг морфологик, физиологик, биологик хусусиятларини урганиш ва уларга қарши турли кураш чораларини ишлаб чиқишдир.

Усимликларни химоя қилиш йўналиши бўйича узлштирилзлгизн билимлар фитопатоген бактерияларнинг биологик хусусиятлари, бактериал касалликларни турларини, инфекция манбайининг тарқалиши ва келтирадиган иқтисодий зарарини билишга қаратилгандир.

Фанни у^{злаштириш} жараёнида тапабалар бактерияларга озикали муҳитларни тайёрлаш ва жихозлашни стерилизация қилиш, соф культуралар билан ишлаш, инфекцияли муҳит ҳосил қилиш, усимликларни бактерияли касалликларига қарши кураш чораларини асослаш ҳақида қуниқмалар шаклланди.

Амалий дарсларда ва ишлаб чиқариш амалиёти даврида усимликларни бактерияли касалликларига ташхис қўйиш, бактерияларни ажратиш, усимлик уруғларини, касалланган аъзоларини текшириш, усимликлар^{ни} сунъий зарарлаш усулларини, касалликларга қарши кураш чоралари ҳақида малақапарга эга бўлилади.

Усимликда учрайдиган касалликларнинг турларини ва уларга қарши кураш чораларини фитопатология фани урганади. Унинг қуйидаги бўлимлари мавжуд:

диагностика - касалликнинг ташқи ва ички белгилари асосида уни аниқлаш;

этиология - касалликнинг сабабларини аниқлаш;

профилактика - касалликни олдини олиш;

терапия - касалланган усимликларни даволаш.

Усимликларда учрайдиган касалликлар келиб чиқиши, касаллик кузгатувчисининг тури ва экологик омиллар таъсири натижасида келиб чиққанлиги қуйидаги турларга бўлилади:

Ноинфекцион касалликлар: а) поддай тупрок ва иқдим, озика етишмаслиги, нотугри агротехника натижасида келиб чиқадиган касалликлар;

б) усимликни меҳнат қуроқлари, ҳайвонлар ва ҳашаротлар билан зарарланиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар.

Инфекцион касалликларни замбуруглар. бактериялар. гуллик паразитлар. вируелар келтириб чикали. Касалликлар камлай келиб чиқишидан катъий назар хужаликларнинг икгисодий зарар куришига, махсулот смфатмнимг бузилишига сабаб булади.

Бактериология сузннинг лугавий маъноси- "бактериялар тугрисида гаълимот" дел ан маънони билдиради. Бу фан бактерияларни урганиш тарихини, морфологик тузилишини, уларнинг купайишини, озмкланишини, биологик, фнзиологик, биокимёвий хусусиятларини, уларга экологик омилларнинг таъсирини урганиш асосида таркалиш конуниятларини ва бактериал касалликларга карши кураш чораларини ургатади.

Бактериал касалликларнинг зарари

Ер кулларида учрайдиган 1600 турдаги бактерияларнинг 400 дан ортик тури усимликларни касаллантиради. Кишлок хужалик екпнларида кенг таркалган бактериал касалликларга карамнинг поясини бактериози, бодринг баргининг бурчакли догланиш, картошканинг кора сон, гузанинг гоммоз касаллиги, мевали дарахтларнинг куйиши кабилар хосил сифати ва микдорини кескин камайгиради. Масалан, бодринг кучатларининг *Pseudomonas lachrymans* бактерияси билан зарарланиши натижасида хосилдорлик 23% камайиб кетади. Саби илдизмевасини хул чириши, картошка туганаги, карам бошчалари чиришини келтириб чикарувчи - *Pectobacter carotovorum* бактериясининг салбий таъсири натижасида хосилдорлик 40-100 % пасаяди. Руза поясининг гоммоз касаллиги туфайли -*Xanthomanus malvacantm* бактерияси хосилдорликни 4% га пасайтиради. *Ps. solanaceatum* бактериясининг итузумдошлар оиласи вакилларида сулиш касаллигини келтириб чикариши натижасида хосилдорлик- 15-96% пасаяди. Бактериялар билан касалланган соянинг донидаги протеин микдори 30% га, ёғ 34% га, азот 27% га, фосфор 25% га, калий 28% га камаяди.

Бу касалликлар догланиш, сулиш, чириш, шишлар хосил булишга сабаб булади. Бугдойнинг кора бактериоз касаллиги 44-90 %, карам поясининг утказувчи найлар бактериози 40-100 % хосилни нобуд килади.

Бу зарарнинг микдорини камайитиришда, ахолига экологик соф озик-овкат махсулотларини етиштиришда касалликларни келтириб чикарган микроорганизмлар турлар таркибини билиш, уларнинг биологик хусусиятларини урганиш, касалликларга карши тугри кураш чораларини ишлаб чикиш мухим илмий ва амалий ахамиятга эга.

Фитопатоген бактериялар усимликларга нафакат вегетация даврида, балки уларнинг махсулотларини саклаш даврида картошка, саби, карам ва донларнинг чиришига сабаб булади. Бактериялар касалланган усимликларнинг нафакат хосилдорлиги камаяди, балки усимликларнинг физиологик хусусиятларига, фотосинтез интенсивлигига, усинг тезлигига салбий таъсир килиб, улар хосил килган захар моддалари махсулотларнинг захарли булишига сабаб булади. Натижада купчилик бактериялар усимлик, инсон, хайвон ва хашаротларнинг касалликларига сабаб булади.

бактериоз каоаллиқлари туфайли қишлоқ хўжалик экинларининг нобуд бўлиши ёқни касалланиши, қосил ни қамайтириб, усимликларни факат вегетация даврида зарарлаб қолмасдан, сақлаш давомида ҳам чиришга, сифатининг ёмонлашишига сабаб бўлади.

Фитопатогеи бактериялар орасида факат битта гур ёқи турқумдагн усимликларни касаллантирувчи турлари ҳам мавжуд. Масалан, *V. campestris* Крестгулдошлар онласи вакилларига мослашган бўлса, *Pseudomonas lantfaciens* Слев тури 41 та оплата мансуб усимликларни касаллантиради.

Усимликларнинг бактерияли касалликларни урганиш тарихи

Усимликда биринчи бактериоз касалликларни 1882 йилда америкалик олим Томас Джон Баррил (1839-1916) кашф этган. 1884 йилда болалар врачн Христиан Грамм бактерияларни аниқлаш учуй бўяш усулини таклиф қилади ва уни амалга оширишни методик томонларини курсатиб беради. Кейинчалик фитопатологиянинг бактериозлар ҳақидаги йуналишига америкалик фитопатолог Эрвин Смит асос солди. У усимликлар илдиз бугзининг рак (саротон) касаллигини (*Agrobacterium tumefaciens*) бактерияси қузғатишини исботлади.

Ангелини Хоссе 1880 йил бактерияларни устириш учун озика муҳити таркибига агар-агар қуллашни тавсия этган. Кейинчалик бактерияларнинг соф культурасини қаттиқ озика муҳитида ажратиш усуллари ишлаб чиқилди.

Кузга қуринмас заррачалар оламининг кашф қилиниши Левингук қомн билан боглик, бўлиб, у биринчи бўлиб 1863 йилда бактерияларнинг қуринишини батафеил ёзган. Узок йиллар бактерияларнинг систематик урни аниқланмаган. Линней уларни хайвонлар дунёсига, яъни қувалчанларга яқин деб ҳисоблаган.

1852 йилдан бошлаб бактериялар усимликлар дунёсига қиритилган. Л.Пастер ва Ф.Гамалеянинг илмий ишлари микроорганизмлар физиологияси ва биохимиясига бағишланган.



Карл Линней
(1707- 1778)

XV асрда врач Гиппократ инсонлар соғлигининг ёмонлашишига ҳаводаги микроорганизмлар сабабчидир дейди. XVII асрда Г.Галлилей кузга қуринмас микроорганизмларни қуриш учун микроскопии яратади. Антон ван Левингук (300 марта) катталаштирадиган микроскопда микроорганизмларни тузилишини урганган ва Петр I билан учрашшиб биринчи микроскопини Россия учун совға қилади.

18 асрда Л. Пастер (1822-1895) микроорганизмлар физиологиясига асос солади. Уларни яшаш шароитига қараб анаэроб ва аэроб турларга ажратди.

Россияда у^{симликлар}РД^а бактериал касалликларнинг мавжудлиги туғрисида дастлабки маълумотлар М.С.Воронин (1866) томонидан айtilган.

Баррил Т.Дж. (1839-1916) мева-дархатларнинг бактериал куйиши бактериалар томонидан келиб чиқишини исботлаган. Усимликлар бактериоз касаллиги туғрисидаги таълимотнинг чуқурлашишида И.Л. Сербинов, А.А. Потебня, В.П.Израильский, М.В. Горленко, К.И. Бельтюкова, И.В. Воронкевич, Д.Э.Беленьский, С.А.Авакян, С.А. Галачянларнинг хизматлари чексиздир.

Бактериология фани фитопатологиянинг муҳим бўлими ҳисобланиб, у утган асрнинг 80 йилларидатез ривожланди. Рус олими М.С.Воронин (1866) усимлик туқималарида бактериялар сабабли патологик жараённинг вужудга келишини аниқлаган. Дастлаб, усимлиكنинг бактериялар келтириб чиқарадиган касалликларидан ҳул чириш, гиациннинг саргайиш касаллиги (1886), нок гулларининг куйиши (1889), ковокнинг сулишини (1895) ва туганак бактерияларини урганган.

А.А.Потебня (1915) биринчи марта бактериоз касалликлар руйхатини тузади. А.А.Ячевский (1932) усимликлар бактериозини турларини ва зарарини курсатиб беради.

Ўзбекистон Республикасида усимликларни бактериал касалликларни урганишда Н.Г.Запратов, М.А.Каримов, С.А.Аскарова, А.Г.Холмуродов, Ж.Кутлиевларни ҳиссаси каттадир.

Ботаника институтида таркибида вирусология ва бактериология лабораториясини ташкил қил и ш да С.А.Аскарова (1965) муносиб ҳисса қушган.

ЎзР ФА Микробиология илмий тадқиқот институтида фаолият қурсатаётган мутахассислар фитопатоген микроорганизмларнинг биологик, физиологик, биокимёвий хусусиятларини ҳар томонлама чуқур урганмоқдалар.

Ҳозирги вақтда республикада ушбу йуналиш бўйича малақа-мутахассислар тайёрлаш бўйича самарали ишлар қилинган бўлиб, Ўзбекистон шароитида усимлик касалликларини химоя қилишда катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бактерияларнинг усимликларда касаллик қўзғатиши туғрисидаги фикр ноаниқ бўлганлиги сабабли, усимликларнинг бактериялар келтирадиган касалликларини **урганиш** узок йиллар секин ривожланган. Усимликларнинг бактерияли касалликларини урганиш соҳаси уша даврда Гартингни ёзишича, бактериялар усимликларда юз бераётган патологик жараёнга апокаси йўқлигини айтган, унинг фикрича, бу жараён у^{симликлар}РД^а модда алмашинувини бузилиши, хужайра қобиғида азот етишмаслиги сабабли бактериялар ривожланиши мумкин, яна унинг фикрича усимликда гумин

кислотанинг тупланиши бактерия таъсиридаги чириш жараёнининг ривожланишига халакит беради деган.

Хозирги вақтда усимликларнинг бактерияли касалликлари хақидаги илм етарли ва кенг камровли булиб, булар диагностик, географик, биологик маълумотлар асоеида. антагонизм ва. бактсριοфагларнинг муносабатларини асослаган.

Соха мутахассислари усимликларни касалликлардан химоя килиш тадбирларининг урнини аниклаш оркали, усимлик касалликларини пайдо булиши сабабларини ва ривожланишини олдини олиш тадбирларини тугри белгилаш керак. Усимлик касалликларини сабабларини (этиология) билиш, касаллик кузгатувчини уз вақтида ва тугри аниклаш, инфекция манбайи, патогенлигининг хусусиятларига, атроф-мухитнинг таъсирини билиш керак.

Касалликни пайдо булиш вақтини олдиндан башорат килиш, унинг кенг таркачишини ва янги регионларда ривожланишини олдини олиш, касалликка чидамли усимликларнинг навларини яратишда ва иммунитет хусусиятининг ривожланишига имконият яратади, ҳамда уларни муҳофаза килиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим иктисодий Самара беради.

Ба1Стерпология фанининг бошка фанлар билан алокасп

Бактериология фани тарихий тараққиётида куйидаги умумбиологик ва кишлок хужалик фанлари билан узвий боғланган. Патоген микроорганизмлар каторига замбуруглар, бактериялар, вируслар ва нематодалар кирганлигидан бактериология фани микология, вирусология ва нематодология фанлари билан узвий боғланган.

Касаланган усимлик хужайра ва туқималарида руй берадиган физиологик ва биокимёвий жараёнларни мукамал урганиш мақсадида физиология ва биокимё фани ютуқларига асосланади.

Кишлоқ хужалигига янги экинларнинг экилиши, уларни иқлимлаштирилган ҳудудларининг кенгайиши, уларни етиштириш билан шугулланадиган усимликшунослик фани ютуқларига асосланишини такозо килади.

Усимликлар навлари тугрисида фитопатологлар туплаган маълумотлар селекционер ва генетикларнинг касалликларга чидамли навларини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Дехкончилик, тупрокшунослик, агрокимё фанлари тавсия киладиган экинларни экиш муддати, тупрокка ишлов бериш, угит куллаш ва алмашлаб экишга амал килиш фитопатологлар назоратида булиши керак.

Усимликларни ҳашаротлардан химоя килишда бактериологларнинг энтомологлар билан яқиндан ҳамкорлик килишини такозо килади. Усимликларнинг касалликларига қарши курашда кулланиладиган кимёвий моддалар - фунгицидлар ва уларга ишлов бериш машиналаридан фойдаланишда фитопатология фанини органик ва аорганик кимё ҳамда механизация фанлари билан боғлайди.

Кишлоқ хужалик экинларига карши курашда кулланмладиган кимёвий, агротехник на биологик кураш чораларининг иктисодий, биологик самарадорлиги иктисодиёт ва математика фанлари усуллари билан ҳисоблаб чиқилади.

Бу фан ҳам, бошқа фанлар катори бир неча-микробиология, ботаника, усимликлар физиологияси ва биокимёси, агрономия, кимё, тупроқшунослик, агрокимё, ме ва-сабзавотч ил и к, уругчилик, зоология, математика ва бошқа фанлар билан боглик.

Ушбу фанларнинг билими ёрдамида усимлик касалликлари, уларнинг сабаблари, кечаётган жараёнларни ургатади. Бу эса уз навбатида касаллик кузгатувчиларнинг йукотишга имкон беради ва кишлоқ хужалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш учун хизмат килади.

Охирги йилларда касалликларни олдиндан башорат қилиш учун математик моделлар, об-хавонинг узок муддатга мулжалланган прогнози асосида қандай касаллик кузгатувчи бактериялар зарари қупайиши мумкинлигини айтиш мумкин. Бундан ташқари, қупгина иктисодий ва математик тадқиқот усуллари усимликларни химоя қилиш самарадорлигини баҳолашда ишлатилади.

Усимликларни касалликлардан химоя қилишда, қжори самарадорликка эришиш учун, касалланган усимликда кечаётган жараёнларни чуқур урганиш, касаллик кузгатувчиларнинг биологик хусусиятини, атроф - муҳитга таъсирини, инфекциянинг тарқалиши ва сакланиш манбааларини билиш керак.

Бирок, фитопатоген бактериялар орасида халқ хужалигига самарали фойда келтирадиган турлари мавжуд бўлиб, улар ҳосил қилган ферментлар, биологик фаол моддалар турли соҳаларда кенг фойдаланилмоқда.

Озик - овқат, кимё, нефть, газ, шифобахш сувлар, кишлоқ хужалиги, тиббиёт соҳаларида самарали фойдаланиладиган моддалар, токсинлар, антибиотиклар, экзополисахаридлар, бактериялар саноатининг асосий хом ашё ҳисобланади.

Мавзу юзасидан тест саволлари

Бактериология фаппинг мақсади нима?

А. Бактерияларни тузилишини, тарқалишини, классификацияси ва уларга қарши кураш чораларини, ҳосилдорлигини оширишни ургатиш.

Б. Бактерияларни тузилиши ва ундан фойдаланишни ургатиш.

В. Бактерияларни тарқалишини ургатиш.

Г. Қарши кураш чораларини, ҳосилдорлигини ошириш ургатиш.

Бактериология фанининг вазифаси нима?

А. Касалланган усимлик ва агроном орасидаги муносабатларни Урганиш.

Б. Касалланган усимлик ва ҳашарот орасидаги муносабатларни ургатиш.

В. Касалликнинг йуқолиб кетиш сабабларини ургатиш.

Г. Касалликларни қелиб қиқиш сабабларини, касалланган усимлик ва патоген уртасидаги муносабатларнинг қонуниятларини ургатиш.

Бакалавр босқичи талабалари бактериология фанини ўқиганда нима биллиши керак?

А. Касаллик турлари ва инфекция манбайини билиши керак.

Б. Касалликнинг қелиб қиқиш жойини билиши керак.

В. Касалликнинг сабабини билиши керак.

Г. Касалликнинг номини билиши керак.

Бакалавр камлай купикмага на *fiy.niMiit* керак?

А. Касалликинги сабабинн на карши курам! чораларини асослаши керак. ii. Касалликин тухтатиини асослаши керак. В. Касалликин хавфиини асослаши керак.

Г. Касалликин сабабми асослаши керак

Бакалавр бактериология фаммин укш айла камлай малакага на булп шм керак?

Л. Ташхис куйиш, текшириш усулини куллаши керак.

К. Касалликин топиши на Пук кылннш керак.

В. Касалликин тухтатиши керак.

Г. Касалликин номини айтиши керак **Прокариотларга камлай организмлар киради?**

А.. Бактериялар. Б. Кук-яшил еув углари. В.А ва Б. Г.Замбургулар **Эукариотларларга камлай организмлар киради?**

А. Шнлимшиклар, Замбургулар.

Б. Усимликлар, Хайвонлар. В. А ва Б. Г. Усимликлар, кушлар.

Иоимфекиом касалликлар камлай келиб чикади?

А. Мокулай тупрок ва иклим, озмка етишмаслиги, ногутри агротехника.

Б. Усимликин меҳнат куруллари, хайвонлар ва хашаротлар билан зарарланиши. В.А ва Б. Г.

Инсонлар таъсирида зарарланиши.

Инфекцион касалликларми кандай организмлар келтмрмб чикаради?

А. Замбургулар, бактериялар.

Б. Гуллик паразитлар, вируслар.

В. Содда хайвонлар.

Г. А ва Б.

Гуза полей гоммозидан *Xanthomanus malvacarum* кеча % хоенл нобуд булади?

А. 3%; Б. 4 %; В. 2%; Г. 1%.

Бодринг кучатларнинг *Pseudomonas lachrymans* бактерияеи билан зарарланишидап хосилнинг пасайиши неча % ни ташкил килади.

А. 20%; Б. 15 %; В. 23%; Г. 10%.

■ *Peciobacler carotovorum* бактериясидан сабзи илдизмеvasини хУЛ чиришидан хосил пасайиши неча % ни ташкил килади.

А. 40-100 %; Б. 30-100 %; В. 20-100 %; Г. 10-100 %.

Бактериология фанининг ургандиган объектлари тупик курсатилган каторни бел гила и г.

А. Уларнинг физиологиясини, генетикасини, экологиясини, эволюциясини. Б. Уларнинг морфологиясини, генетикасини, экологиясини, эволюциясини.

В. Уларнинг морфологиясини, физиологиясини, экологиясини.

Г. Уларнинг морфологиясини, физиологиясини, генетикасини, экологиясини, эволюциясини.

Бактериологиянинг фан енафтида шаклианишпда хисса куш га и олимларни айтнинг?

А. Роберт Кох, Пауль Эрлих; Б. Илья Мечников, Луи Пастер; В. Плиний Лукреций, Г. Антоний Ван Левингук

Иммунология ва химиотерапияни асослашда кандай олимлар хисса кушган?

А. П. Эрлих, И. Мечников; Б. Илья Мечников, Луи Пастер; В. Плиний Лукреций; Г. Антоний Ван Левингук.

Бактериялар кандай организмлар?

А. Бактериялар майда прокариот организмлар.

Б. Бактериялар майда эукариот организмлар.

В. Бактериялар куп хужайрали организмлар.

Г. Бактериялар майда хужайрасиз организмлар.

Прокориотлар тулик курсатилган каторни белгилапг.

А. Бактериялар, Спирохетлар, Риккетсиялар.

В. Бактериялар, Спирохетлар, Риккетсиялар, Хламидийлар.
 В. Спирохетлар, Риккетсиялар, Хламидийлар Г.
 Бактериялар, Спирохетлар, Хламидийлар.
 Эукариотлар гуруҳи курсатилган қандай бўлиши.
 Л, Сув ушлари, Содда ҳайвонлар.
 В. Содда ҳайвонлар.
 В. Замбуруғлар, Содда ҳайвонлар.
 Г. Сув ушлари, Замбуруғлар, Содда ҳайвонлар, Усимликлар, Ҳайвонлар.
 Прокариот ва эукариотларнинг генетик аппарат қандай тузилган?
 А. Прокариотлар генетик аппарати нуклеонидлардан иборат.
 Б. Эукариотларнинг генетик аппарати ҳақиқий ядроли бўлади.
 В. А ва Б.
 Г. Генетик аппарати мавжуд эмас.
 Прокариот ва эукариотларнинг рибосомалари қандай тузилган?
 А. Прокариотларнинг рибосомалари мембрани билан боғланмаган.
 Б. Эукариотларнинг рибосомалари митохондрия ва цитоплазматик бўлади.
 В. А ва Б.
 Г. Прокариотларнинг рибосомалари мембрани билан боғланган.

11-БОБ


БАКТЕРИЯЛАРИ ИЛГ'УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Bacteriamycetes

Бактерияларнинг морфологик белгилари

Бактериялар бир хужайрали, тубан хлорофилсиз, тайёр органик моддалар ҳисобига гетеротроф озикланадиган, прокариот организмлардир. Улар тайёр органик моддалар ҳисобига озикланадиган, шаклланган ядроси мавжуд бўлмаган, нуклеоплазмаси (ядро моддаси) цитоплазмадан ҳеч қандай мембрана воситасида ажралмайди. Шунинг учун бактерия хужайралари протопласти протоплазма ва ядро моддасидан ташкил топган бўлади. Бактериялар протопласти ташки томондан зичлашган қаватдан ташкил топиб, уни перипласт деб номланилади ва у ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган физик-химик жараёнларда (осмос, плазмоллиз) қатнашади. Хужайра пусти ва перипласт орасида капсула ва хивчинлар жойлашади. Капсула ажратиб чиқарган моддаси перипласт орқали хужайра пустига чиқади.

Бактерияларнинг тузилишидаги асосий қисмларга: хужайра пусти, периплазма, цитоплазма, нуклеидлар, қушимча қисмларга: капсула, фимбрилар, хивчинлар, доначалар қиради (1-расм).




1-расм. Бактерия хужайрасининг тузилиши.

Хужайра пусти хужайрани ураб туради ва макрокок, микрокок, псевдококдан ташкил топади. Хужайра пусти бактерияларга шакл беради, периплазма ва капсула орасида жойлашиб, ташки муҳит билан боғлайди. Хужайра пустининг таркибини пептидогликан ташкил қилади. Унинг тузилиши

микромолекуляр полимердан ташкил топиб, антибиотикларгатаъсирчан булади : (2-расм).

Бактериялар хужайрасидаги цитоплазма куп каватли пуст билан урапган булади. Унинг ичида плазматик мембрана, рибосомапар, ДНК молекулалари жойлашган булади. Электрон микроскопда цитоплазмадаги ДНК, плазматик мембрана, цитоплазма вахужайра пусти яккол кузга ташланади .



2-расм. Хужайра пустининг тузилиши

Айрим бактерияларнинг хужайра пусти шилимшик билан копланган булиб, улар кулай шароитда шишади. Шилимшик модца бактериялар хужайраларини нокулай шароитдан, куриб колишидан, куёш нуридан химоя килади ва патогенлик хусусиятини белгилайди (*Pseudomonas*, *Xanthomonas*). Нокулай шароитда бактериялар спора хосил килади. Спора ташки томони мустахкам пустлок билан копланган булиб, паст ва юкори харорат, кучли босим, нурларга чидамлик килади. Руза гоммози кузгатувчиси - *Xanthomonas malracearum* +90° С -27,8°С хароратда хам хаёт фаолиятини саклаб колган. Купчилик фитопатоген бактериялар аэроб шароитда хаёт кечиради. Уларнинг колонияси ок, жигар рангга эга булиб, унинг хосил булиши каротиноидлар билан боглиқдир.

Бактериялар хужайрасида хакикий ядро мавжуд эмас, у цитоплазма таркибида майда доначалар тарзида учрайди. Бактериялар ядросини аниқдаш цитология фанида энг мураккаб вазифа хисобланади. Шакланган ядро бактерияларнинг энг такомиллашган формаларида - миксобактерийларда мавжуд. Ядро моддасини борлигини дизоксирибонуклеин кислотасини аниқдаш усули ёрдамида аниқданади. Бактериялар хужайра пустидаги осмотик босим билан шимиб озикланади. Паразитлик билан хаёт кечирувчи бактериялар

оке ил, канд моддаларини хосил килувчи ферментларга на булади. Бундам ферментлар каторига хужайра пустини ва пектин моддасини парчаловчи **протопектиназа**, оксилнн парчаловчи протеаза, крахмалим парчаловчи амилаза, хлорофил доначаларини парчаловчи хлорофиллаза, утказувчи найларни корайтирувчи тирозиноза кабилар к и ради.

Микроблар морфологияси бактерияларнинг шаклини, улчамини, бир-бирига нисбатан урнини, тузилиш хусусиятларини, рамгга буялишини урганди. Бактерияларни хужайраларининг шаклига караб куйидаги гурухларга булинади: таёкчасимон спорасиз бактериялар, таёкчасимон споралилар бациллалар, шарсимонлари кокklar, эгилган таёкчасимонлари фибрионлар, спирал шакллилари спириллар ҳамда спирохетатар деб аталади (3- раем).



3-расм. Бактерия хужайраларининг шакли

Кокklarнинг бир-бирига нисбатан жойланишига караб куйидаги турларга булинади: микрококklar, диплококklar, стрептококklar, стафилококklar, планококklar (4-расм).



4-расм. Кокklarнинг бир~ бирига нисбатан жойланиши.

Микрококklar (грекча *soccus*-дон, шарик демакдир) хужайралари шарсимон кокklarнинг ёлғиз жойланишидан хосил булади. Масалан, *Micrococcus agilis* (Micro - кичик, *agilis*- ҳаракатчан^.— . ---- ----
Диплококklarда (*diploos*-иккитадан) иккитазг^д|^им©р^ г<ужайрдлар ё^мэг ен жойлашади. Диплококklarга *Azotobacter chroococcum* ба'кТериясий мисол

I инв № Ук 3114


булиб, туркумнинг помп .1:ого атмосферадаги азотни узлаштирувчи физиологик хусусиятими билдирса, турни номи- chgoo жигар рангли пигмент хосил килувчи, соссит-шарсимон фора деган маънони билдиради.

Стрептококкларда (streptos-занжир) шарсимон кокклар занжирсимон жойлашиб, узун занжир хосил килади. Бундай бактерияларга сут кислотали бижгиш жараёнини келтириб чикарувчи *Streptococcus lactis* мисол булади. Бу бактериянинг номланишида туркум номи шарсимон хужайраларнинг занжир хосил килишини билдирса, тур номи сутни бижгитишни келтириб чикаришини билдиради.

Стафилококкларда шарсимон кокклар туп-туп булиб жойлашади.! Панококларда шарсимон кокклар туртадан, олтидан, саккизтадан жуфтлашиб жойлашади. Уларнинг шакли купинча 4 та хужайранинг бирикишидан кубга ухшаб жойлашади. Бундай турдаги тузилиш хаво микрофлорасида кенг таркалган *Sarcina flava* тури учун характерлидир.

Бактерияларнинг усимликларда касаллик кугатувчи турлари асосан таёкча шаклида булиб, катталиги баъзан 0,5-4,5 мкм, купчилиги 0,3-0,6 мкм ни ташкил килади. Ленин, айрим турлари суный озука мухотида устирилиб филтр оркали утказилганда, ундан утиши аникланади. Купчилик турлари усимлик хужайра пусти деворидан, утказувчи найлар оркали бемалол утиш хусусиятига эта булганлигидан улар оркали таркалиш имконига эта.

Таёкчасимон бактериялар тузилишига кура иккита гурухга булинади: бацилла ва бактериялар. Улар бир-бирига нисбатан жойланишига караб: жуфт , бурчак хосил килиб ва занжирсимон шаклда жойлашади (5-расм).



5-расм. Таёқчасилои бактерияларнинг жойланиши.

Бапияладар спора хосил килса, бактериялар **спора** хосил килмайди. **Бациллаларга** *Bacterium*, *chromohader*, *Idavobucicrium* лар мисол булади. Жумладан. *Bacillus mycoides*, *Bacillus mescntericus* турлари стрептобациллаларга мисол булади. Бу бактерияларга деитрификаторлар гурухига мансуб *Pseudomonas stmzen* тури мисол булади.

Ипсимон шаклдаги бактериялар шакли цилиндрсимон булиб, кагор хужайралар умумий кинча ичида жойлашади. Ипсимон бактериялар таркибида темир сакловчи сув ховузларида, тупрокда, увокларда куп учрайди. Сув ховузларидаги таркибида темир сакловчи жинсларни парчаловчи бактерияларга *Leptolhrix* туркумига мансуб турлар кириб, улар темирнинг оксидланишида катнашади.

Спирапсимон бактериялар куйидаги учта гурухга булинади: вибрионлар (лотинча-мфо-тулкинланувчи), спириллиллар (логинча- -spigo-бигизсимон), спирохетлар. Вибрионлар кisman эгилган булиб, вергулсимон шаклда булади.

Спириллиллар вибронларга нисбатан хужайраси узун, йугон, эгилган булади. Спириллиллар шакли русча С ва лотинча S харфларига ухшаш булади. Бундай бактерияларни куриш учун гунгдан тайёрланган ачиткини микроскопда кузатиш керак.

Спирохетлар узун ингичка хужайралар булиб, ташки томондан майда, боғламлар билан уралган булади. Бу бактерияларни кузатиш учун тишдаги губордан препарат тайёрлаб куриш керак.

Бактерияларнинг хужайрасининг каттапиги микрометр билан хужайра кисмлари нанометр билан улчанади. Уларнинг катталиги энига 0,3-0,6 мкм, узунлиги 0,5-4,5 мкм ни, коккиларнинг диаметри 0,5-1,5 мкм ни, таёкчапар кенглиги 0,2-0,4 мкм ни, узунлиги 0,7-1,5 мкм ни ташкил килади. Бактерия хужайраси озика мухитида колония хосил килади, уни оддий куз билан куриш мумкин. Фитопатоген бактерияларнинг улчами, буйига 0,5-4,5 мкм, энига 0,3- 0,6 мкм ни ташкил килади.

Бактериялар хужайраси таркибида мурамов кислотаси, D-аминокислоталар, аминокислотлар - оксизин, лантаонин, ос-е-диамино - пимелин кислота, полисахаридлар мавжуд. Ёглардан циклопропан ёг кислотаси учрайди. Бактериялар хужайрасида стероидлар мавжуд эмас, улар урнига - гапаноидлар, лецитин, нейтрал ёглар, мочевина, гликоген, хитин учрайди.


Қ,ишлок хужалик экинларида касаллик кузгатувчи бактериялар турли шаклида булиб, танасининг юзасидаги хивчинлар воситасида ҳаракат килади (6-расм).

Бактериялар хивчинлари протопластнинг усишидан хосил булади. Улар сприлла шаклидан ташқари буралиб эгилган булади. Хивчинлар хужайранинг кутубларида ёки бутун юзасини коплаб олади. Хивчинлар хужайранинг қайси кузбида жойланишига қараб: монотрих, лопотрих, амфитрих, перитрих қаб турларга булинади.


С

6-рasm. *Хивчимларнинг хужайра кутбларида жойланиши (а-монотрих, в-лофотрих, с-амфитрих, d-перитрих).*

Монотрих хужайралар хужайра кутбидаги битта хивчин воситасида, лофотрихда хужайранинг бир кутбида жойлашган туртта хивчин воситасида, амфитрихда хужайранинг икки кутбида жойлашган биттадан хивчин ва! перитрихда хужайранинг барча юзасида жойлашган хивчинлар воситасида I ҳаракатланади. Хивчинлар, бактерия улчамига тенг, баъзан ундан узун булиши мумкин (7,8-рasm).



7-рasm. *Лофотрих бактериянинг катталаштирилган тасвири.*



8-рас.м. Таёҷчасимои перитрих бактериянинг куриниши


Нокнинг куйиши-*Envinia amylovora*, мева магизини чириши-*Peclobacl. corotovorum*, бодринг бактериал сулиши-*cheiphila* касаллигини келтириб чиқарувчи бактериялар турли хилда хивчин ҳосил қилади.

Усимликларнинг бактериялар билан касалланиши экологик шароит ва усимлик ҳолатига боғлиқ. Айниқса, намлик ортиқча бўлган шароитларда усимликларнинг касалланиш даражаси юқори бўлади. Фитопатоген бактерияларнинг ривожланиши учун 20-25° С ҳарорат нормал ҳисобланади. Усимликларнинг бактериялар билан касалланиши 5-10°С ҳарорат да бошланиб, 33-40°С датурайди. Айрим фитопатоген бактериялар 40°С нобуд бўлади. Барча бактерияларга сунъий озиканинг нейтрал ва бироз ишқорли муҳити pH-7,0-8,0 қулай бўлади, кислородли шароитда яхши ривожланади.

Бактериялар онтогенезидаги узиш ва ривожланиши икки босқичда ўтади. Унинг биринчиси вегетатив ҳаёт ва тирик даври, иккинчиси тиним даври-ҳаёт, лекин тирик бўлмаган даври. Бактерияларнинг тиним даври модда ва энергия алмашилишининг пасайган даври ҳисобланади.

Бактериянинг вегетатив шаклида узиш ва қупайиш, модда алмашилиш, омилларга сезувчанлик фаолияти меъёрида амалга ошади. Тиним даврида юқоридаги фазилатлар Урнига ноқулай шароитдан сакланиб қолиш ва қупайишга хизмат қилади. Вегетатив шакли тиним шаклидан геномлар турғунлиги, цитоплазмада сувнинг қамаиши, устки рецепторларнинг иуқолиши, қушимча қобикнинг ҳосил бўлиши билан фарқ қилади. Тиним даврида бактериялар ҳужайраси шаклининг қичрайиши ва ташки муҳит салбий таъсирига чидамлилигининг ортиши билан фарқ қилади.


Бактериялар ноқулай шароитда ҳосил қилган споралари юқори иссиқдик ва қурғокчиликка чидамли бўлиб, у қуйидаги қисмлардан ташкил топади: споранинг ташки мембранаси, қобик, экзоспориум, споранинг ички мембаранаси, узакдан ташкил топади (9-расм).



9-расм. Бактерия спорасининг тузилиши.

Нокулай шароит булганда бактериялар спора хосил килади. Споралар юкори харорат, музлашга ва курук шароитга мосланиш хусусиятига эга. Кулай экологик шароит вужудга келганда спорадан янги вегетатив хужайра хосил булади. Спора хосил булганда унинг фермент хусусияти пасайиб, узок муддат давомида хаётчанлигини саклаб қолади.

Нокулай шароитга мосланишига кальцийнинг юкори концентрацияси ва спорадепептидо гликан-дипиколонит кислотаси мавжудлигидир. Спора хосил килувчи бактериялар хужайранинг ургасида ёки охирида биттадан спора хосил килади. Спора бактерияларнинг нукулай шароитда сакданишига ва таркалишига хизмат килади ва унинг хосил булиши куйидаги боскичларда утади (10-расм).



10-расм. Спора уосил булиш босқичлари.

Сунъий озика му.чнтила яхши усади. Купчилиги аэроб, айримлари факультатив анаэроб шароитла чаёт кечиради. Бактерияларнинг озика му.чити юзасида ҳосил қилган колонияси думалок, қирраси текис, ялтирок, шилимшиқ булади. Бактериялар колониясини ранги оқ, оқ кунгир ва сарик булади.

Бактерияларда икки хил пигментлари мавжуд: Хромофорли - сарик ва хромопарли - яшил.жигар рангам. Картошка туганагини чиритувчи - *Ps.xanthochlora*, цитрусларда некроз ҳосил қилувчи- *Px. citripilii/ea/e* бактериясида сарик пигмент, бактериозни қузғатувчиси- *Ps.xolanaceanim* бактериясида жигар ранг ҳосил қилади. Бактериялар вазелин ёғида, паст ҳарорат ва 1-2% намликда сақланади.

Бактериялар маълум рақибга жавобан ранг ҳосил қилишга қараб иккита гуруҳга бўлинади: *Граммусбатлар*; *Грамманфшиар*.


Граммусбатлар генционвиалет ва йод билан ишлов берилиб, спирт билан рангсизлантирилганда қуқ-қора рангги сакловчи турлардйр.

Бактериялар озиқ моддаларни бутун танаси билан адсорбция-шимиш во-ситасида олади. Бунда бактериялар ҳосил қилган ферментлар асосий роль ^йнаб, парчаланиш натижасида ҳосил бўлган моддаларни узлаштиради. Озиқланиш усулига қура бактериялар гетеротроф организмлардир.

Бактерияларнинг қурайиши

Бактерияларнинг қурайишида, экологик шароит, озиқ мухити ва наёл қолдириш хусусияти асосий ҳисобланади. Бактерияларнинг патоген турларида ҳам доим жинсий қурайиш жараёнида янги белгилар билан ирқдари пайдо бўлиб, узғарувчанлик хусусияти амалга ошади.

Бактерияларнинг авлодини узғариши рекомбинациясининг бир неча шакллари бордир: (жинсий қурайиш) - Трансформация, трансдукция ва конъюгация (П-раем).



11-расм. Бактерияларнинг қурайиш усуллари

Трансформация бактерия хужайраеига бошка хужайранинг оксигени урнига ДНК манбайи ва уни қабул қилиб олувчи реципиент генотиби узғаради, яъни донор хужайра реципиент хужайрани оталантиради.

Трансформацияда бир бактерия штаммидан ажратилган иккинчи штамм тирик хужайралари томонидан ютилиб, уларнинг ирсиятига таъсир этади.


Трансдукция шаклида эса, ирсий моддалар бир бактерия хужайрасидан иккинчи бактерия хужайраеига бактериофаглар (бактерия вируслари) ёрдамида утади. Трансдукция - бактерия вируслари томонидан унинг генларини иккинчи бир бактерия хужайраеига олиб утиш жараёнидир. Факат донор бактерия генидан патогенлик, вирулентлик хусусиятларни иккинчи бактерия - реципиентга олиб утади.

Бактерияларнинг ўсиши ва ривожланиши турли факторларга боғлиқ. Фитопатоген бактериялар 5-10°C да қупайишни бошлайди. Қупайиш учун оптимал ҳарорат 25-30° С бўлса, қупайишнинг тухташи 33 - 40° С ҳароратда амалга ошади.

Конъюгацияда иккита бактериал хужайралар уртасида алоқа юз беради ва ирсий омиллар бир хужайрадан донор иккинчи хужайрага (реципиент) утади. Конъюгация - бир бактерия хужайрасидаги генлар йигиндиси иккинчисига цитоплазматик куприк орқали утиш усулидир.

Юқорида қўрилган усуллар далолат беришича бактериялар жинсسىз ва жинсий усулда қупаяди. Натижада, генетик белгилар бир хужайрадан иккинчисига алмашади.

Бактериялар қулай экологик шароитда жинсسىз усулда чексиз қупайиш хусусиятига эга. Фитопатоген бактериялар жинсسىз қупайиши оналик хужайранинг тенг бўлиниши йули билан $u^{18}D^{15}$ - Бактериялар хужайраси қундаланг тусик ҳосил қилиб тенг иккига оддий бўлиниш йули билан қупаяди (12-расм). Қулай экологик шароит бўлганда бактериялар ҳар 20 минут давомида янгидан бўлиниб улғуради.



12-расм. Бактерияларнинг жинсسىз қупайиши.

Мяту ипаенлан reel caim. i.iapn

liaKтсрiиH.iapiniHi inia.iiiK бир v>.кяiради uiaK.iii пма деймлали?

Л.Коики.Б.Таёкчи.В.Врион. Г.Доира.

lot Kт с рп и.1 л рн и to KaйТа.iiiii кандай HHр.1 пк.зл у.чанди?

д Moip l> C'aiHHMCip H МилTineipГ Микрон. нономикрон Коккилар
гурпаси енма-сн жойланншса кандай номланади',

А Дн шококкд ар. l>.C' фемтокок. В.Стафилококклар. Г. Под мок кчжлар.

Таёкчасимой бактериялар бир-бирнга иисбатаи жоПламшпга караб кайдан тур.дарага
булниали?

А.Тартибсиз. Б .Жуфт булиб, Бурчак хосил килиб В. Занжирсимон. Г.А,Б,В Бактериялар
iути.тиiИдаги асосий кисмларни тониш .

А. Нуклеилдар, цитоплазма, периплазма, хужайра пусти.

Б Капсула, фимбрилар, хивчин, доначалар.

В. Капсула, фимбрилар, хивчин.

Г.Капсула, хивчин, доначалар

Хужайра пустили устнда жойлашган капсула кандай кисмлардан ташкил тонгаи?

А. Макрокобик.

Б.Макрокобик, микрокобик.

В. Макрокобик, микрокобик, псевдокобик.

Г.Макрокобик, псевдокобик.

Бактерия хужайра пустининг тузилиш хусусияти кандай?

А. Макромолекуляр полимер.

Б.Микромолекуляр полимер.

В. Оддий полимер.

Г.Мураккаб полимер.

Бактериялар харакатн кандай амалга ошади?

А-Харакатланмайди,

Б.Хивчин воситасида.

В.Хужайра пусти воситасида.

Г.Мембрана воситасида.

Хужайра асосида тургта хивчин билан харакатланадиган бактериялар кандай
номланилади?

А.Монтрих.Б.Лофтрих.В.Амфитрих. Г. Перитрих.

Барча кисмлари хивчин билан харакатланадиган бактериялар кандай номланилади?

А.Монтрих.Б. Лофтрих.В. Амфитрих. Г. Перитрих.

Шлимишк бактерияларни нимадан химоя килади?

А.Сувдан.Б.Хаводан.В.Намликдан.Г.Куёш нуридан.

Пуза гоммози кузгатувчиси - *Xanthomonas malracearum* кандай шароитда хает фаолиятини
саклаб колади?

А.+60 С-10, 80С.Б.+70 С-15, 80С.В.+80 С-17, 80С.Г.+90 С-27, 80С.

Граммулбат бактериялар кандай рангдаги турлардир?

А. Генционвиалет ва йод билан ишлов берилиб, спирт билан рангсизлан тирилганда к^к-кора
рангни сакловчи турлар.

Б.Генционвиалет ва йод билан ишлов берилиб, спирт билан рангсизлан тирилганда ранг хосил
килимайдиган турлар .

В. Генционвиалет ва йод билан ишлов берилиб, спирт билан рангсизлан тирилганда сарик
ран гни сакловчи турлардир.

Г Генционвиалет ва йод билан ишлов берилиб, спирт билан рангсизлан тирилганда ок рангни
сакловчи турлардир.

риятлари и нг всгетатив шаклида кандай жараёнлар амалга ошади? одда
алмашиниш Б.Усиш ва кулайиш. В.Омилларга сезувчанлик.

Г.Л.Б.В.

Бактериялар гийм даврида қандай узгаришларга учрайди?

А.Сезувчанлик. Г>. А,В,Г .В.Устки рецепторларми йуқотиш.

Г.КУишмча қобикнинг ҳосил бўлиши.

Бактерияларнинг спораси қамлай тузилган?

А. Споранинг ташки мсмбронаси, қобик, узак, спорапинг ички мембранаси.

Б.Споранингташки мсмбронаси, экзоспориум, қобик, споранинг ички мембранаси.

В. Споранинг ташки мсмбронаси, экзоспориум, қобик, узак, **споранинг** ички мембранаси.

Г.Споранинг ташки мсмбронаси, экзоспориум, қобик, узак, споранинг ички мембранаси.

Бактериялар спорасининг баланд ҳарорат ва қургокчиликга чидамлиниги нимага боғлиқ?

А. Тупрокда хаёт кечирувчи фойдали микроорганизмлар хосил килган антибиотиклар,
фитонцидлар таъсирида патоген турлар нобуд булади.

Б. Тупрокда хаёт кечирувчи фойдали микроорганизмлар хосил килган токсинлар, таъсирида
патоген турлар нобуд булади.

В. Тупрокда хаёт кечирувчи фойдали микроорганизмлар хосил килган гормонлар
таъсирида патоген турлар нобуд булади.

Г. Гармонлар таъсирида нобуд булади.

Помидорин бактернал раки, карам ва дуккакдилар бактериозия карши кандай моддалар
самара беради?

А. Протоанемонин,тиннин,аренарин,нуфарин .

Б. Гербицид ва фунгицид моддалар.

В. Биологик фаол моддалар.

Г. Физиологик фаол моддалар

Х-ВОБ

ФИТОПАТОГЕН БАКТЕРИЯЛАРНИНГ СИСТЕМАТИКАСИ


А.Л.Тахтаджан (1973) фикрича бактериялар органик олам сажарасида усимликлар, хайвонлар ва замбуруглар сингари мустакил систематик урнига эга. Бактериялар сони тирик мавжудодларнинг 70% ни ташкил килади. Улар майда бир хужайрали организмлар каторига кириб, хлорофилл доначалари булмаганидан тайёр органик моддалар хисобига гетеротроф усулда озикланади. Бактериология фани фитопатологиянинг мухим булими хисобланиб, у утган асрнинг 80 йилларида яратилган.

Хрзирги замон систематик таълимотларга асосан, бактериялар ядроли организмларгача - *Procoriota* гурухига, Царство - увокдилар *Muchota* булим - *Bacteria*, синф *Eubacteria*, тартиб *Eubacteriales* га мансубдир.

Усимликларнинг токсонимик бирликлари.

- А. Ядроли организмларгача булган организмлар -Прокориотлар
 - 1. Бактериялар дунёси.
 - 2. Кук яшил сув утлари дунёси.
- Б. Ядроли организмлар дунёси-Эукориотлар
 - 1. Хайвонлар дунёси.
 - 2. Замбуруглар дунёси:а) тубан замбуруглар дунёси.
 - б)юксак замбуруглар дунёси.
 - 3.Усимликлар дунёси:а) багрянклар дунёси.
 - б) хакикий сув утлари дунёси.
 - в) юксак усимликлар дунёси.

ТИРИК ОРГАНИЗМЛАР



Бактериология фаниинг асосчиси '). Смит хисобланади. Фитопатоген бактерияларнинг систематикаси фаниининг ривожланиши билан **узғариб** та ко м и л л а I и и б бор га н.

Бу соҳада чет эл олимларидаи Мигула (1894-1900), Леман ва **Нейман** (1896-1927). Смит (1905), Берджи (1939-1948), Доусон (1957). Тешич (1956) (Agrios, 2008) кабилар муносиб хисса қушган.

Фитопатоген бактериялар сапрофит бактериялардан келиб чиққанлигидан тан олинса, фақат фитопатогенларини систематикасини яратиш учун ҳаракатлар нотугри бўлади. Ҳар хил гуруҳлар орасида филогенетик боғлиқликнинг моҳияти тулик очилмаганлигидан, табиий системалар яратилмаган.

Бактерияларни бошқа барча тирик организмлар сингари қариндошлик белгиларига қараб гуруҳларга бирлаштиради. Уларни номлаш (номенклатура) учун ички ва ташқи тузилишини, физиологик ва биохимик хусусиятларини келтириб чиқарадиган жараёнларни табиий шароитда намоён бўлишини урғанади.

Молекуляр биологиянинг ривожланиши билан генотипдаги уларнинг ДНК тузилиши урганилмоқда.

Бактерияларни системага солишда 18 аерда К.Линней таклиф қилган Бинар номенклатура асосида ном берилади. У “Сирли тирик заррачалар” номли асрида бактериялар систематикасини яратишга ҳаракат қилади. Масалан, *Bacillus albus* да граммусбатлик, спора қосил қилилиш, аэроб каби белгилар турқум учун ҳос, колония ранги оклиги тур учун ҳос белги хисобланганлигидан уларни турқум кейин тур номи айтилади.

Бактерияларнинг Ҳдпқаро номенклатура Кодексига асосан (1 январ 1980) барча мамлакатларда бактерияларга бир хил ном берилади. Бунга асосан: тур (species), турқум (genus), оила (familia),-тартиб (ordo), синф (classis), бўлим (divisio), дунё (regnum) категориялари фойдаланилади.

Тур - чатишувчи жамоапар популяцияси, умумий генофонга мансуб, экологик бир хил авлод берувчи индивидлардир.

Соф культура - индивиднинг биотипдан ажратилган ва лаборатория шароитида сакланадиган жамоаси. Бунга характерли белгилари аниқлангандан кейин ном берилади.

Штамм - турдан кейинги системали категория бўлиб, бир ёки бир неча белгилари билан ва ажратилган жойидан фарк қилади.

Вариант - мунтазам бир ёки бир неча белгилари билан штаммдан фарк қилади.

Фитопатоген бактерияларнинг морфологик белгилари қуйидагиларга: хужайра катта кичиклиги, хужайранинг шакли; ҳаракатланиш хусусияти, хивчинларининг сони ва жойланиши, спора ҳосил қилиши, Грамм усулида бўялиши кабилар қиради.

Уларнинг культурал белгиларига сунъий озука муҳитида усишида колониясининг қиррасини шакли, ранги ва ҳажми қиради.

Физиологик белгиларига: бактерияларнинг озика манбайига муносабати, **озика** таркибидаги (органик кислота, спирт, углевод, газ ва бошқалар) моддаларнинг ҳосил булиши, аник усимликка патогенлик ёки сапрофитлик муносабати киради.

Бактерияларни классификацияга солишда Н. А. Красильников (1949) М. В. Тарников (1966) хизматлари катта.

Бактерияларни классификацияга солишда морфологик ва физиологик хусусиятларига, культурал ва биохимик хусусияти, хужайра улчами, шакли, ҳаракати, хивчинларнинг шакли, спора ҳосил килиши ва Грам буйича ранг ҳосил килиши эътиборга олинади.

Физиологик хусусиятларидан: озик моддаларга муносабати, модда алмашишидан ҳосил буладиган моддалар таркиби (органик кислоталар, спирт, углеводлар, газлар), патогенлиги ва усимликларга муносабати ҳам муҳимдир.

Ҳозирги вақтда мавжуд илмий манбалардан «Определитель бактерий и актиномицетов» Н. А. Красильников (1949), «Определитель родов бактерий» В.Б.Скерман (1975), «Определитель бактерий» Д.Х.Берги (1954) каби асарларда бактерияларнинг систематикаси батафсил баён килинган.

Патоген бактериялар сапрофитлардан келиб чиққан. Фитопатоген бактериялар филогенетик боғлиқлиги тулик урганилмаган. Бактерияларнинг табиий системаси яратилмаган.

Мавжуд системалар асосида Дунёда мавжуд микроорганизмларнинг 3 та коллекция яратилган: 1. Американинг типовой культуралари коллекцияси (Роквилл. Мэриленд штата). 2. Типовой культурапарнинг миллий коллекцияси (Лондон. Англия). 3. Россия фанлар Академияси микроорганизмлар коллекцияси (Москва). Ўзбекистонда Гинетика ва экспериментал биология илмий тадқиқот институтидаги ноёб фитопатоген микроорганизмлар коллекцияси фаолият кўрсатмоқда.

Бактериялар систематикаси масаласида олимлар фикр ва мулохазалари турличадир. *Bacteria* булими ядросиз организмлар булганлигидан *Procarvota* Деб аталади. Бактерияларни классификация қилинаётганда уларнинг морфологик, физиологик, узиш хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга булиб, шакли, катта- лиги, ҳаракати, хивчинлари, спора ҳосил килиши, Грамм рангига буялиши, ко- лониясининг ранги ва улчамига, озика муҳитига булган муносабатига алоҳида эътибор берилади. Кўрсатилган белгиларга қараб бактериялар тарғиб, оила, туркум ва турларга булинади.

Ҳозирги вақтда бактериологик тан олинган классификациялар қаторига 1974, 1986 йилларда чоп этилган Берги классификацияси ҳисобланади. Унга асосан бактериялар булими 19 та синфга булинган. Бу синфлар орасида кенг тарқалган *Eubacteriales* тартиби вакиллари орасида фитопатоген турлар «Упчиликни ташкил қилади (Билай, 1988).

Секция-4 (граммусбат аэроб таёкчасимон ва кокклар)

Оила - *Pseudomonadaceae*

Туркум - *Pseudomonas*

Xanthomonas

Сила - Rhi/obiaceae Гуркум - Agrobacterium Оила -
 Acetobacteraceae Туркум - Acetobacter
 Секция - 5 (факультатив анаэроб грамманий таёкчасимон)
 Оила - Enterobacteriaceae Гуркум - E. coli

Pectobacterium
 m Секция - 13 Оила -
 Bacillaceae Туркум -
 Bacillus

Clostridium
 Секция - 15 ва 17 (граммусбат)
 Туркум - Arthrobacter
 Curtobacterium
 m
 Rhodococcus
 Clavibacter

Бактерияларнинг классификациясини яратиш борасида
 Н.А.Красильников, М.В. Горленко, Бердже ва бошқалар ҳам катта ҳисса
 қўйишган. Купчилик олимларнинг курсатмасига қўра, аниқ рационал система
 қўйиладигандир: Фитопатоген бактерияларнинг ҳаммаси Eubacteriales синфига
 таалукли бўлиб, қўйиладиган оилаларга бўлинади:

1. Mucobacteriaceae оиласи (Честер, 1901) ҳаракатсиз бактериялар
 (хивчинсиз).

1 - авлоди - Corynebacterium (Леман ва Нейман, 1896) - граммусбат
 бактериялар.

2 - авлод — Apionobacterium (Смит, 1905, Гетевич, 1956) — грамманий.

I. Pseudomaceae оила (Вильсон ва бошқалар, 1917) — хивчинли
 бактериялар (тармоқланган).

1. -авлод - Pseudomonas (Мигула, 1900) бўялмаган ва қўринувчи
 бактериялар .

2. авлод Xanthomonas (Доусон, 1939) - колониялари бўялган
 бактериялар.

II. Bacteriaceae оиласи. (Кон, 1872) ҳаракатчан ва спора ҳосил қилувчи
 таёкчалар.

1. -авлод-Bacterium (Эринбергер, 1928) пектиназа ва протопектиназа
 ҳосил қилмайдиган, бўялмаган шакллари.

2. -авлод—Pectobacterium (Уолди, 1945) пектиназа ва протепектиназа
 ҳосил қилувчи, бўялмаган шакллари.

3 - авлоди-Chromobacterium (Бергончини, 1881) - бўялган шакллари.

III. Bacillaceae оиласи. (Фишер, 1895) ҳаракатчан бактериялар, спора ҳосил
 қилувчи таёкча.

1. -авлод - Bacillus (Кон, 1832) ҳужайралар спора ҳосил қилишда
 шишмайди ёки сўет шишади.

2. -авлод - Clostridium (Празновский, 1880) хужайралар спора хосил килишда шишади.

Фитопатоген прокариотларнинг замонавий классификацияси
(Agrios, 2008)

Bacteria - Бактериялар гуруҳи

1-Булим - Gracilicutes - Грамманфнй бактериялар

Class -Сниф	Family - Оила	Genus - Туркум
1. Protobacteria - Протобактериялар (асосан бир хужайрали бактериялар)	1. Enterobacteriaceae - Энтеробактериялар	<i>Envinia</i> - Эрвиния
		<i>Pantoea</i> - Пантоя
		<i>Serratia</i> - Серратия
		<i>Sphingomonas</i> -
	2. Pseudomonadaceae - Псевдомонадалар	<i>Acidovorax</i> -у Асидоворакс
		<i>Pseudomonas</i> - Псеудомонас
		<i>Ra/slonia</i> - Ралстония
		<i>Rhizobacler</i> - Ризобактер
		<i>Rhizomonas</i> — Ризомонас
		<i>Xanthomonas</i> - Ксантомонас
		<i>Xylophilus</i> - Ксилофилус
	3. Rhizobiaceae - Ризобиацеа	<i>Agrobacterium</i> - Агробактериум
		<i>Rhizobium</i> - Ризобиум
	4. Unnamed - Хали ном берилмаган оила	<i>Xylella</i> - Ксилелла
		<i>Candidatus</i> - Кандидатус
		Ном берилмаган папайями зарарловчи бактерия

II-Булим - Firmicutes - Граммулсбат бактериялар

Class - Синф	Family — Оила	Genus - Туркум
2. Firmibacteria- Фирмибактериялар (асосан бир хужайрали бактериялар)	Оилапарга ажратилмаган	<i>Bacillus</i> - Бациллус
		<i>Clostridium</i> - Клостридиум
3. Thallobacteria- Таллобактериялар (шоҳланувчи бактериялар)	Оилаларга ажратилмаган	<i>Arthrobacter</i> - Артробактер
		<i>Clavibacter</i> - Клавибактер
		<i>Curtobacterium</i> — Куртобактериум
		<i>Leifsonia</i> - Лейфсония
		<i>Rhodococcus</i> - Родококкус
		<i>Streptomyces</i> - Стрептомицес

Mollicutes - Молликутотлар гурухи
Булим - Tenericutes - Тенерикютотлар

Class - Синф	Family - Оила	Genus — Туркум
Mollicutes - Молликутотлар	1. Spiroplasmataceae - <i>Spiroplasma</i> - Спироплазма	Спиро плазмалар
	2. Unnamed - \али ном <i>Phytoplasma</i> - Фитоплазма	Фитоплазма берилмаган оила

Миязгу юзасидан тест саволлари

Бактериялар система! нкасишни вазифаси нима?

А Микроорганизмларни кардошлик белгиларига караб гурухларга бирлаштиради **Б** Бактерияларни кардошлик белгиларига караб гурухларга бирлаштиради.

В Замбурутларни кардошлик белгиларига караб гурухларга бирлаштиради.

Г Сув утларини кардошлик белгиларига караб гурухларга бирлаштиради.

Бактерияларни номлашда кандай белгилар асос булади?

А Ички ва ташки тузилишими, физиологик ва биохимик хусусиятларини, келтириб чиқарадиган жараёнларни табиий шароитда намоён бўлиши.

Б Хусусиятларнинг ташки тузилишида намоён бўлишига караб.

В Хусусиятларнинг биохимик жараёнда намоён бўлишига караб.

Г Белгиларнинг сунъий шароитда намоён бўлишига караб.

Бинар номенклатурага ким асос солган?

А Ч.Дарвин.

Б К.Линней.

В Роберт Кох Пауль Эрлих.

Г Илья Мечников Луи Пастер.

Bacillus albus систематик қандай маънони билдиради?

А Бактериялар оиласини.

Б Тур ва туркумни.

В Синф ватури.

Г Штамм ва клонни.

Бактерияларни номлашда қандай меъёрин хужжат асос булади?

А Табиатни муҳофаза қилиш Конунига асосан.

Б Шанхай Хамкорлик Ташкилоти талаби асосида.

В Бактерияларнинг Халқаро номенклатура Кодексига асосан (1 январь 1980)

Г БМТнинг таълим.фан ва маданият масаллари бўйича (ЮНЕСКО) қарорига асосан

Бактерияларни классификация қилишда қандай таксономии бирликлар ишлатилади?

А Тур (species), туркум (genus), оила (familia), тартиб (ordo), синф (classis), бўлим (divisio), дунй (regnum).

Б Штамм, клон, туркум (genus), оила (familia), тартиб (ordo),

В Соф культура, туркум (genus), оила (familia).

Г Вариант, синф (classis), бўлим (divisio), дунй (regnum).

Тур деб қандай индивидларга айтилади?

А Чатишувчи жамоалар популяцияси.

Б Экологик бир хил авлод берувчи популяциялар,

В Ота онасига ухшаш индивидлар популяцияси.

Г А ва Б.

Турнинг критерийенга нималар қиради?

А Ота онасига ухшашлиги.

г. Тур хил хуудда таркалиши
п. Морфозогик, генетик, физиологик, а. иттигенли, экологик, гео график.
Г. Биохимик хусусиятлар.

С. Ф. культура деб нимага айтилади? д
Бактериянинг, усимлик ичидаги
намуналарга.

Б. Бактериянинг тулукдаги намунаси.

В. Индивидуал биотидан ажратилган ва лаборатория шаронтида сакланадиган
жамодси Г. Индивидуалнинг сувдан ажратилган жамодси.

Штамм **ДЭБ** нимага айтилади?

А. Туркумдан кейинги системали категория булиб, бир еки бир неча белгилари билан ва
ажратилган жойидан фарк килали.

Б. Турдан кейинги системали категория булиб, бир еки бир неча белгилари билан ва
ажратилган жойидан фарк киллади.

В. Сифдан кейинги системали категория булиб, бир еки бир неча белгилари билан ва
ажратилган жойидан фарк киллади.

Г. Окладам кейинги системали категория булиб, бир еки бир неча белгилари билан ва
ажратилган жойидан фарк киллади.

Бактерияларнинг физиологик хусусиятлари тули к курсатилган катор.

А. Озик моддаларга муносабати, патогенлиги ва усимликларга муносабати.

Б. Озик моддаларга муносабати, мода алмашишидан хосил буладиган модалар таркиби,
патогенлиги ва усимликларга муносабати.

В. Озик моддаларга муносабати, мода алмашишидан хосил буладиган моддалар таркиби,
усимликларга муносабати.

Г. Озик моддаларга муносабати, патогенлиги ва усимликларга муносабати.

Усимликларда усмалар хосил киладиган турлар кай с и туркумга киритилган.

А. *Agrobacterium. b. Rhizobium* .

Б. *Erwinia*.

Г. *Pectobacterium*.

Bacillaceae оилаларига кайси туркумлар киритилган?

А. *Mycobacterium* ва *Pseudobacterium* .

Б. *Agrobacterium, Rhizobium. Erwinia*.

В. *Bacterium, Bacillus, Clostridium*.

Г. *Agrobacterium*.

Харакатсиз, касаллик кузгатувчи *Mycobacteriaceae* оиласига кайси туркумлар киритилган?

А. *Mycobacterium* ва *Pseudobacterium* .

Б. *Bacterium, Bacillus, Clostridium*.

В. *Agrobacterium, Rhizobium. Erwinia*.

Г. *Bacillus, Clostridium Agrobacterium*.

Сарик пигментли бактерияларни кайси туркумга киритилган ?

А. *Xanthomonas*.

Б. *Bacillus*.

В. *Clostridium* .

Г. *Agrobacterium*.

Mycobacteriaceae-ха р а кате из бактериялар оиласига кайси туркумлар кирди?

А. *Corynebacterium, Apionobacterium*.

Б. *Bacterium, Bacillus, Clostridium*.

В. *Agrobacterium, Rhizobium. Erwinia*.

Г. *Mycobacterium* ва *Pseudobacterium*.

***Pseudonumadaceus*'-хивчин. ш бактериялар оиласига қайси | \ рқум.лар қиради?.**

А. (*Corynebacterium*, *Aplanobacterium*).

Б. *Hauermm. Hacillus.Clostridium*.

В. *Agrobacterium. Rhizobium. Envinia*.

Г. *Pseudomonas. Xanthomonas. Fraleuria. Zoogloea*.

***Rhizobiaceae* оиласига қанон турқумлар қиради?**

А. *Rhizobium Bradyrhizobium. Agrobacterium. Phyllobacterium*.

Б. *Hacterium. Bacillus.Clostridium*.

В. *Agrobacterium.Rhizobium.Envinia*.

Г. *Pseudomonas.Xanthomonas*.

***Bacteriaceae* -спора ҳосил қилмийлиги, перитрихал хивчинли ҳаракатчан бактериялар оиласига қанон турқумлар қиради?**

А. *Corynebacterium. Aplanobacterium*.

Б. *Hacterium, Bacillus.Clostridium*.

В. *Agrobacterium, Rhizobium, Envinia*.

Г. *Envinia, Pectobacterium, Chromobacterium*.

***Bacillaceae* -ҳаракатчан,спора ҳосил қилувчи бактериялар оиласига қайси турқумлар қиради?**

А. *Bacillus, Clostridium*.

Б. *Bacterium, Bacillus,Clostridium*.

В. *Agrobacterium, Rhizobium, Envinia*.

Г. *Envinia*.

***Xanthoma nans* турқумининг гузаниш гоммоз касаллигини келтириб чиқарадиган турқуми топ II н г.**

А. *X. heterocea Sav.*

Б. *X. campestris Dow.*

В. *X. malvacearum*.

Г. *Bacillus albus*

***Agrobacterium* турқумининг усимликлардан касаллик келтириб чиқарувчи турлар қайсылар.**

А. *A.tumefaciens, A.rhizogenes A.rubi*.

Б. *X. campestris Dow.*

В. *X. Malvacearum*.

Г. *Bacillus albys*.

***Envinia* турқумининг усимликларда касаллик келтириб чиқарувчи турлар қайсылар.**

А. *A.tumefaciens, A.rhizogenes A.rubi*.

Б. *X. campestris Dow.*

В. *X. Malvacearum*.

Г. *E. amylovora, E. ananas Serreno, E. araliavora, E. asteracearum*.

***Closteridium* турқуми вакиллариининг фитопатоген турларини қурсатинг**

А. *C. pasterianum, C. pectinovorum*.

Б. *X. campestris Dow.*

В. *X. Malvacearum*.

***G.Envinia amylovora,Envinia ananas Serreno, Envinia araliavora, Envinia. asteracearum* М.В.Горленко классификациясига асосан бактериялар неча оила ва турқумларга бўлинган?**

А. Оила ва турқумларга бўлинмаган.

Б. 6 та оила ва 12 та турқумга.

В. 15 та оила ва 11 та турқумга.

Г. 5 та оила ва 10 та турқумга.

XI-БОБ

ФИТОПАТОГЕН БАКТЕРИЯЛАР КУЎГАТАДИГАИ КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ ҚУРАШ ЧОРАЛАРИ

Acetobacteriaceae оиласи

Оила вакилларининг эллипссимон ёки таёкчасимон хужайради, биттадан ёки иккитаси бирлашган, граммусбат. Перитрихал ёки 4-8 тали кутубларда жойлашган хивчинлари воситасида ҳаракат қилади, айримлари ҳаракатсиз, спора ҳосил қилмайдиган, аэроб бактериялар ҳисобланади. Усиш учун оптимал ҳарорат 25- 30° С, рН миқдори 5- 6, желатинами парчаламайди, нитратлар ҳосил қилмайди, индол ҳосил қилмайди, этанолни кислотагача парчалайди. Бу оплата *Acetobacter* ва *Gluconobacter* туркумлари кириб улардан биринчиси фитопатоген ҳисобланади.

Acetobacter турку ми

Бу туркум вакиллари хужайраси эллипссимон, тугри ёки қисман эгилган, улчами 0,6- 0,8x1,0 -4,0 мкм, биттадан, иккитадан ёки занжир ҳосил қилиб жойлашади.

Кужайралари ҳаракатсиз ёки ҳаракатли, хивчин ҳосил қилади, аэроб, пигмент ҳосил қилмайди, айримлари бинафша рангли пигмент ҳосил қилади. Усиши учун 25- 30° С ҳарорат ва рН 5,4- 6,3 муҳити зарур.

Бу туркум вакиллари гулларда, меваларда, асаларида, винода, кефирда, боғ тупрокдариди, канализация сувларида аниқданган. Ананас меваларида бинафша касаллигини, олма ва нок меваларини чиришига сабаб бўлади. Бу туркумга 4 та тур кириб, улардан - *Acetobacter aceti*- олма меваси пустлогини чиритади, *Acetobacter ilquefaciens* Ley- ананас мевасини бинафша касаллигини келтириб чиқаради.

Pseudomonadaceae Winslow, Broadhurst, Buchanan Krumwiede, Rogers end *Smith* оиласига қирувчи бактериялар кузгатадиган касалликлар ва уларга Қарши қураш чоралари

Оила вакиллари хужайраси шакли тугри ва эгилган таёкчасимон, спора Ҳосил қилмайди, грамм манфий, хужайрасининг икки учида ҳаракатланувчи хивчинларни ҳосил қилади. Оила вакиллари аэроб, 4-43° С ҳароратда усади. Биохимик хусусиятларидан қандни парчалаши натижасида кислота ҳосил қилади, газ ҳосил қилмайди.

Бу оилага мансуб 93 та турдаги бактериялардан 23 таси фитопатоген Ҳисобланади. Бу оилага *Pseudomonas*, *Xanthomonas*, *Frateriura* , *Zoogloea* туркумларига мансуб фитопатоген бактериялар қиради.

Pseudomonas туркуми

Pseudomonas туркумига қирувчи бактерияларнинг айрим вакиллари сапрофитлар бўлиб, тупрок ва сув ҳовузларда ҳаёт кечиради ва органик

моддаларнинг мимсраллашишида иштирок этади. Улар орасида усимлнЦ-! нисбатан фитопатоген ва хайвонлар патогенлари ҳам мавжуд. Улар сунъЛ озика мухитида рангсиз шилимшик колония ҳосил кил ад и. Колониясинин! ранги гуштли пептонли ёки кукиш ва я шил куринади. Туркум вакиллари таёкч! шаклида булиб, икки кутбида хивчин ҳосил кнлади. Улар **усимлик** тукумаларида тез ривожланиб, чириш, догланиш. некрот, куйиш ва тукумаларнинг ушиб кетишига сабаб булади. /л. *solanacearum* тури усимликларнинг утказувчи найларини ва паренхима тукумаларини касаллантиради.

Pseudomonas туркуми вакиллари ҳаракатланувчи, спора ҳосил килмайдиган, таёкчасион, хужайрасининг икки учиди биттадан ёки тутамдан иборат хивчиилар ҳосил килади. Туркум вакиллари факултатив паразитлар, сапрофитлар ҳисобланиб, сунъий озика мухитида яхши усади. Картошкали агар озика мухити юзасида кукиш кунгир рангдаги, ялтирок ва кирралари текис ёки тулкинсимон колония ҳосил килади. Колониясининг уртаси зичлашган ва қисман кутарилган булади.

Хужайра пусти яхши ифодаланган булиб, куп каватли, макромолекулали, мунтаззам шаклга эга. Хужайра пустининг таркибини липополисахаридлар ташкил килиб, улар патогенлик, захарлилик, иммунитетиди асосий рол уйнайди.

Pseudomonas туркуми вакиллари усимлик хужайралардаги метоболизм жараёнини узгартириб догланиш, некрот, шишлар, чириш келтириб чикаради. Бунда улар ҳосил килган токсинлар, ферментлар ва гормонлар асосий рол уйнайди. Усимликлар инфекцияга қарши кечаси чидамлиликини намоён килади. Бактерия инфекцияси асосан касалланган усимликда ҳаёт кечириб, тупрок шароитиди антогонистлар таъсирида тезди нобуд булади.

Pseudomonas туркумининг сапротроф вакиллари тупрокда, усимлик ризосферасида ҳаёт кечириб уларнинг ушибини тезлаштириши, ёки патогенлик килиб ушибини тусиб куйиши мумкин. Масалан: *P.fluorescens* бугдой ризосферасида, *P.maltophiUa* қарам, рапс, хантал, мақажухори, қамд лавлагии ризосферасида ҳаёт кечиради.

Pseudomonas туркумининг фитопатоген вакиллари ҳашаротларнинг ичак микофлораси таркибига қириб, инфекциянинг сакланиш ва тарқалиш манбайи ҳисобланади. Қупинча улар ҳашаротларни нобуд килади.

Pseudomonas туркумига қуйидаги фитопатоген турлар қиради:

P.tumefaciens - бактериал рак касаллиги.

P.syringae -данак меваларининг бактериал раки.

P.lachrymans- ловиянинг бурчакли бактериози.

P.phoseolicola -бодринг бактериози.

P. tumefaciens -бактериал рак касалликлари.

Pseudomonas aeruginosa (Schroeter 1972) Migula 1900-Одам, хайвон, усимлик ва ҳашаротлар учун шартли патоген.

Pseudomonas syringae pv. *persicae* (Prunier et al., 1970) Younsr .-! . 1978- Шафтоли дарактининг бактериози.

Pseudomonas syringae pv. *phaseolicola* (Burkholder 1926) Young et al., 1978-фасолнинг бурчакли доғланиши.

Pseudomonas syringae pv. *pisi* (Sackett 1916) Young et al., 1978-горохнинг бактериал куйиш касаллиги.

Pseudomonas syringae pv. *primulae* (Ark and Gardner 1936) Young et al., 1978-Примуланинг бактериал доғланиши.

Pseudomonas syringae pv. *ribicola* (Bohn and Maloit 1946) Young et al., 1978-**Смородина бактериози.**

Pseudomonas syringae pv. *savastanoi* (Smith 1908) Young et al., 1978-Маслинанинг туберкулози.

Pseudomonas syringae pv. *sesami* (Malkoff 1906) Young et al., 1978-Кунжут бактериози.

Pseudomonas syringae pv. *striafaciens* (Elliott 1927) Young et al., 1978-Арпанинг таргил бактериози.

Pseudomonas syringae pv. *tabaci* (Wolf and Foster 1917) Young et al., 1978-Тамакининг бактериал рябхаси.

Pseudomonas syringae pv. *tagetis* (Hellmers 1955) Young et al., 1978- Барцатцевнинг бактериози.

Pseudomonas syringae pv. *theae* (Hori 1915) Young et al., 1978-Чой усимлиги бактериози.

Pseudomonas syringae pv. *tomato* (Okaba 1933) Young et al., 1978-Помидорни бактериал доғланиши.

Pseudomonas syringae pv. *viburni* (Thornberry and Anderson 1931) Young et al., 1978-Калинанинг бактериал доғланиши.

Pseudomonas viridiflava (Burkholder 1930) Dowson 1939-Фасол бактериози.

Pseudomonas amygdali Psallidas and Panagopoulos 1975-Писта дарахти бактериози.

Pseudomonas andropogonis (Smith 1911) Stapp 1928-Тарик, Судан у^{тм}> маккажухори, **йунгичка бактериози.**

Pseudomonas asplenii (Ark and Tompkins 1946) Savulescu 1947-Костинка баргини доғланиши.

Pseudomonas avenae (Manns 1909)-Сулининг бактериози.

Pseudomonas cattleyae (Pavarino 1911) Savulescu 1947-Орхидейларнинг бактериал доғланиши.

Pseudomonas cissicola (Takimoto 1939) Burkholder 1948-Циссуснинг бактериал Доғланиши.

Pseudomonas corrugata Roberts and Scarlett 1981-Помидор пояси пучлиги.

Pseudomonas rubrilineans (Lee, Purdy, Barnum, Martin, 1925) -Шакаркамиш, “Удан ути ва маккажухорининг бактериози.

Pseudomonas rubrisubalbicans (Christopher and Edgerton 1930) Krasilnikov 1949-Шакаркамишнинг бактериози.

Pseudomonas woodsii (E.F.Smith 1911) Stevens 1925-Чиннигулнинг доғланиши.

Pseudomonas syringae pv. *eriobotryae* (Takimoto 1931) Young et al., 1978-Япон “Ушмуласининг бактериози.

Pseudomonas syringae pv. glycinea (C'ocpccr 1919) Young et al., 1978-Соянинг бу рчақл и доела ниши.

Pseudomonas syringae pv. helianthi (Kawamura 1934) Young et al. 1970 Кунгабокарнинг бактериози.

Pseudomonas syringae pv. japonica (Mukoo 1955) Dye et al., 1980-Бошқоқдошлар бактериози.

Pseudomonas syringae pv. lacluymans (Smith and Bryan 1915) Young et al., 1978. Бодрингнинг бурчақли доғланиши.

Pseudomonas syringae pv. lapsa (Ark 1940) Young et al., 1978- Маккажхори ва шакрақиш барги, поясининг чириши

Pseudomonas syringae pv. maculicola (McCulloch 1911) Young et al., 1978- Карамнинг бактериал доғланиши.

Pseudomonas syringae pv. cannabina (Sutic and Dovvson 1959) Young et al., 1978- Нашанинг бактериози.

Pseudomonas syringae pv. ciccaronei (Ercoland and Caldarola 1972) Young et al., 1978- Жавдарнинг бактериози.

Pseudomonas syringae pv. coronafaciens (Elliott 1920) Young et al., 1978- Сулининг кунгир (кизил) бактериози.

Pseudomonas syringae pv. delphinii (Smith 1904) Young et al., 1978- Ёзпанжанинг қора бактериал доғланиши

Pseudomonas syringae pv. dysoxylis (Hutchinson 1949) Young et al., 1978- Гулхайридошлар оиласи вакиллариининг бактериози.

Pseudomonas syringae pv. mellea (Johnson 1923) Young et al., 1978- Тамакининг бактериал доғланиши.

Pseudomonas syringae pv. more (Boyer and Lambert 1893) Young et al., 1978- Тутнинг бактериози.

Картошканинг сақлаш давридаги хул чириш

Картошка туганакларини сақлаш даврида бактериянинг таъсирида механик зарарланган, фитоптора билан касалланган, совук урган туқималарнинг хул чиришига сабаб бўлади. Чириган жойда уткир, куланса хидли буткахосил бўлиб, кейинчалик чириш соғлом жойларга тарқалади.

Касаллик кузгатувчиси *Ps. xanthochlora* (Schuster) Stapp., бактерияси тупроқларда кенг тарқалиб, туганакларнинг зарарланган жойларини тупроқ заррачалари билан тушганда чиритади.

Касалликка қарши кураш чоралари:

1. Хосилни уз вақтида, туганакларни зарарламасдан йиғиштириб олиш;
2. Туганакларни совук уришдан сақлаш;
3. Совук урган ва зарарланган туганакларни яхшилаб саралаб, олиб ташлаш;
4. Туганакларни сақлаш режимида амал қилиш;
5. Хосилни йиғишдан бир ой олдин усимликларни фосфорли, калийли, бор, мис таркибли уғитлар билан озиклантириш.

Бугдойнинг базал бактериози

Касаллик белгилари. Бугдой бошогининг кипиги асосида ёки уларнинг ён монларида кунгир ёки қора доғлар ҳосил бўлади. Баъзан кимигнинг ҳаммаси қора⁹Л¹⁰ Бугдой донларнинг ҳаммаси ёки муртақ қисмлари қораяди. Бундан ташқари касаллик баргларида доғлар тарзида қуришиб, улар сувсимон бўлиб, кейинчалик қораяди, поянинг асоси қириғи ва усимликнинг бўйи пакана (қарлик) бўлиб қолади, қучли зарарланганда баргларнинг қуриши ва қуруқ қириғига, бошқонинг деформацияланишига сабаб бўлади.

Касалликни қузғатувчи *Pseudomonas alrofaciens* (Me Cull) Stevens., **бактерияси** ҳисобланади. Уларнинг хусусиятлари қуйидагилар: граммусбат **таёқча**, агарда колониялар шакли думалоқ, оқ, кейинчалик яшил ранга қиради, желатини парчалайди, сутни қиритмайди, лекин пептонлаштиради, сахароза, глюкоза ва галактозаларда кислоталар ҳосил қилади, нитратларни тиклай олмайди, крахмалим эса қучеиз парчалайди.

Бу патоген бугдойдан ташқари арпа, сули ва жавдарни касалантиради.

Касалликни тарқатиши: АКД1, Канада, Жанубий Африка ва Жанубий Австралияда, Россиянинг жанубий районларида тарқалган.

Касалликнинг ривожланиш хусусияти. Бугдойнинг базал бактериози уруғлар орқали тарқалади. Касаллик қузғатувчилар усимлик қолдиқларида сақланади, улар тупрокда яшай олмайди. Уруғлар қучли зарарланганда улар қириғи ва барча қучатлар ҳалок бўлади.

Бугдойнинг базал бактериози ҳаво ҳарорати паст келган ва намлик юқори бўлган йилларда, асосан бошқоқ ҳосил бўлиши ва дон пишиш даврида ривожланади. Баҳорги совуқ ҳамда намлик шароити ҳам касалликни ривожлантириши мумкин.

Қураш чоралари.

1. Алмашлаб экишга риоя қилиш, тупроқни чуқур ҳайдаш;
2. Уруғларни экишдан олдин саралаш, пуч уруғларни йукотиш;
3. Уруғларни экишдан олдин (2 кг/1 т) дорилаш (формалин, бронотак).

Тамақнинг ба1стериал доғланиши (рябуха).

Касаллик белгилари. Касаллик баргларда ва уруғ қусакларида қузатилади. Қучатларнинг учки барглари ёки барғ япрогининг қирраларида ёғсимон, намланган томчилар пайдо бўлади. Қундузи бу доғлар қуриб, қора ранга қиради. Дастлаб доғлар сатҳи 1см диаметрни эгаллаб, кейинчалик 2-3см гача юзани қоплайди. Касалланган барглар қуриб, барғ бандларида қаварик ботикдар пайдо бўлади. Нам ҳаво шароитида бу доғлар атрофи сарғиш хошия билан уралади. Касаллик 15-18°C ҳароратда, юқори намликда бошланса, 22-25°C да, ёмғирдан кейин кенг тарқалади. Инфекция уруғни янчиб олишда уруғ юзасига тушади.

Касаллик туфайли тамақнинг қучатлар сони кескин камайиши, тамақ маҳсулотининг сифатини кескин ёмонлашишига сабаб бўлади.

Касалликни *Pseudomonas labacum* (Wolf et Foster) Stevens, бактерияси келтириб чиқаради. Касаллик қузғатувчилари бодринг, бакламсон каби Усимликларни касалантиради. Уруғ, усимлик қолдиқлари, тупроқ инфекция

манбайи булиб хизмат кидали. Касалликнинг зарари бахорда ёгингарчилик куп булган йилларда аник сезилади. Иатижада 20-30% барг юзаси зарарланиб, барг массаси 20% га камаяди.

1. Касалликларга **карши** курашиш учуй кучатхоналардагн тупрокга **КИМЁВИЙ** ёки термик ишлов бериш;
2. Касаллик кучли таркалган далаларда 0,4% ли цинеб преиарати билан (2 4 кг/га) микдорда ишлов бериш;
3. Тупрокка калийли угитларни куллаш, тупрокни чукур хайдаш ва кучатларни тупрокка эрта экиш касалликнинг зарарини камайтиради;
4. Уругларни формалин билан зарарсизлантириш учуй I хисса формалинни 50 хисса сув билан аралаштириб, уругларни 10 минут ишлов берилгандан * кейин 15 минут тоза сувда ювиб куритилади;
5. Иссикхоналардаги жихозларни 1:25 микдордаги формалиннинг сувдаги эритмаси билан ишлов бериш;
6. Кучатларни хар 5-6 кунда 0,5 % ли бордо суюклиги билан ишлов бериш;
7. Касалланган кучатларни далага утказишдан олдин ажратиб ташлаш;
8. Усимлик колдикдарини чириши учун ерни кузги шудгор килиш.


Бодринг ва ковуннинг бактериоз

Бодрингнинг бактериал бурчакли догланиш касаллиги камрок таркалган булиб, касаллик белгилари баргларда жигар ранг бурчакли доглар, атрофи саргиш яшил хошия билан уралган булади. Гулнинг косачабарг ва уруг кусакчапариди тук рангга буялган доглар пайдо булади.

Касалликни *Pseudomonas angulate* (Wolf et Foster) Stevens, бактерияси кузгатади. Инфекция уруглар оркали утади, уругларнинг зарарланиши барг кисмларининг уругларга тегиши билан утади, уругларни саклаш давомида касаллик микдори камаяди. МасалагГ, 67% га касалланган уругларнинг зарарланиш даражаси икки йилдан кейин 2 % ташкил килади. Бактериялар усимлик колдикларида сакланади.

Бодрингнинг бактериал бурчакли догланиш ёгингарчилик куп булган йилларда, кенг таркалади. Бактериялар усимликка баргдаги устицалар ва сув томчилари оркали таркалади. Зарарланиш нам об-хаво ва 18 - 15°C хароратда яхши утади. Касаллик кузгатувчилар усимликка кириб келиши зарарланган тукималар оркали хам руй беради.

Бактериоз касаллиги бодрингда бурчакли догланиш, хул чириш ва уткузувчи найлар бактериозини келтириб чикаради. Бодрингда бурчакли догланиш касаллиги уругкуртак баргларининг дастлаб кирраларида кейинчалик бутун барг юзасида жигар рангдаги ёгли томчилар тарзида намоён булади. Кейинчалик бу доглар урни куриб, тешилиб колади. Барг банди ва пояда хосил булган доглар баргнинг тушиб кетишига ёки пояни усишдан тухташига сабаб булади (13-расм).



13-расм. Бодринг бактериози. (*Pse. lachrymans*).

Касаллик уругдан унган кучатларда жигар ранг яралар шаклида намоён булади. Уругпалла баргларининг бутунлай зарарланиши усимликни тулик нобуд қилади, усимликнинг айрим қисмлари зарарланган тақдирда, улар соғломларига нисбатан ривожланишидан орқада қолади ва кам ҳосил беради. Бундай усимлик баргларда бурчакли жигар ранг доғлар пайдо булади. Нам хавода соғлом баргларларнинг орқа томонида томчи суюқлик ҳосил бўлиб, унинг урнида ялтирок парда ҳосил қилади. Меваларда думалок кичик яралар ҳосил бўлиб, меванинг этли қисмига кириб боради.

Касаллик кузгатувчи *Pse. syringae pv. lachrymans* Young et al. *Pse. lachrymans* ("Smith et Br. Stapp. турларидир. Улар ҳаракатчан таёқча шаклида бўлиб, агарли озиқа муҳитида қирраси гадир - будир юзали, ок рангли колониялар ҳосил қилади, желатинани суюлтиради, сугни увитмайди, сахароза ва глюкозада кислота ҳосил қилади, нитратларни тиклай олмайди, индол ҳосил қилади.

Бактерия тупрокда узок муддат сакланиб, 25-27° С ҳароратда яхши ривожланади. Касалланган усимликлар кучатлари қуриб қолади, мева ҳосил қилмайди ва маҳсулот сифати кескин ёмонлашади.

Бодринг бактериози касаллиги очик далаларда ҳамда иссиқхоналарда кенг тарқабган ва ҳосилдорликка қапа зарар келтиради. Бу касалликдан Европа мамалакатлари иқтисодиёти кучли зарар қуради. Бу касаллик факатгина бодрингни зарарлайди, бошқа ковокдош экинларга касаллантирмайди. Ковокдошлар оиласининг ёввойи вакиллари бу касалликка чидамликни намоён қилади ва касалланмайди.

Касаллик уруглар орқали тарқалади ва инфекция уруг ичида сакланади. Уругларнинг зарарланиши уларни мевадан ажратиш вақтида руй беради. За-

парлашан уруглардан уиган кучатларнинг уругпалла барглармла ярачалар пайло булади. Касаллик 30-35% кучатлари касаллантирала. Инфекция касашинган усимлик колли гига сакланади. ,аво курук булган йилларда касалликиннинг зарари камаяди.

Иссикхоналарда харорат 19-24°C булганда, нам шароитда кенг таркалади. Касалликини ривожланиши ёмгирим ва илик ёз кунларида утади.

Кураш чораларк:

1. Уругларни бронток препаратининг суспензияси билан 3 кг микдорда дорилаш;
2. Уругларни стрептомицин (250 бир/мл), тетрациклин (125 бир/мл), биомидин (0,7 мг/мл), фитобактериомицигин (0,5 мг/мл) билан 24 соат давомида ишлов бериш яхши Самара беради;
3. Уругларни 0,02% ли цинк сернокислий билан 24 соат давомида ишлов бериш униш кобилятини ошириб, касалланишни кескин камайтириб, хосилдорликни оширади;
4. Уругларни формалин билан зарарсизлантириш;
5. Усимлик колдикларини иссикхоналардан йигиштириб ёкиб ташлаш ва тупрокка ишлов бериш, апмашлаб экишга риюя килиш, тупрокни дезинфекция килиш яхши Самара беради;
6. Иссикхона тупрогининг хароратини кундузи 20-22°C да, кечаси 17-20°C да саклаб туриш, илдизи чириган кучатларнинг илдизини ту прок билан кумиш натижасида кушимча илдизлар хосил килинади;
7. Иссикхоналардаги бегона утлар ва хашаротларга карши уз вактида кураш олиб бориш керак;

Дана к'ли мева дарахтларининг куйиши Касаллик белгиларн. Касаллик билан данак мевали дарахтларнинг гуллари, айрим новдалари ва поянинг пустлоклари зарарланади. Дарахтдаги гул ва куртаклар кораяди, нобуд булади, куриган барглар узок вакт жойида осилив туради. Баъзан алохида новдалари ва бутун дарахт хам куриб колиши мумкин. Пустлокларда бактериялар кирган жойида ботикли доглар хосил килади. Кейинчалик пустлок кунгир ранга кириб, сув билан тулиб, нордон хид таркатиб, кейин нобуд булади. Касаллик сурункали ва киска мудцатда намоён булади. Сурункали шаклидан купрок кекса дарахтлар зарарланади. Бу шаклга пустлокларда рак хосил булиши, четларида некроз, тешикли догланиш ва майда барглилик, хлорозлар, усишдан оркада колишлар мисол булади. Да- накли мева дарахтларининг куйиши урик, олхури, олча, гилос ва шафтолида кузатилади.

Касаллик кузгатувчи *Pseudomonas cerasi* бактерияси булиб, улар споралар хосил килмайдиган таёкча, граммусбат, агарда колонияси ок, желатинни суолтиради, сутни чиритади ва пептонлаштиради, газ хосил килмайди, глюкоза, сахароза, лактоза, мальтоза ва глициринда кислота хосил килади. Нитратларни тиклай олмайди, аммиак хосил килмайди.

Pse. cerasi бактерияси ларахт новдаларда кишлайди. Касалликни ривожланиши баҳорда бошланиб, бактериялар куртаклар оркали пустловка киради. Бундан ташкари новдаларни кссиш давридаги зарарланиши оркали кириши мумкин.

Бактериялар вегетация даврида ёмгир, шамол, ҳамда хашаротлар оркали таркалади. Дарахтлар тиним даврида касалликка берилувчан бўлади.

Кураш чоралари:

Дарахтларнинг зарарланган ва куриган шохларни киркиш ва хосил булган яраларни карбоменец билан ишлов бериш;

Кайчи ва арраларни формалин эритмасида дезинфекция килиш (1 г формалин 20 киём сув);


Кучли зарарланган дарахтларни кавлаб олиб ташлаш;

Питомникларда зарарланган кучатларни йукотиш ва уларнинг урнидаги тупрок охак билан дезинфекция килинади (200 г/ 1 м² хисобида);

Касалликка қарши курашда касалликка чидамли пайванттаглари фойдаланиш ҳам яхши Самара беради.

Мевали дарахтларнинг илдиз раки

Бу касаллик билан кучатлар 50-80 % гача зарарланади. Касаллик кузгатувчиси — *Pseudomonas tumefaciens* Stevens, бактерияси булиб, у жуда куп мевали усимликларни касаллантиради. Илдизни зарарланган қисмидан ва илдиз тукчаларидан қирган бактериялар илдиз хужайраларнинг тезда нобуд булишига сабаб бўлади ва куп миқдордаги усмаларни хосил қилади. Касаллик тупрокда намлик кам булганда кенг таркалади. Касалланган усимлик тезда қуриб қолади (14-расм).



14-расм. Мевали дарахтларнинг илдиз раки (*Pseudomonas tumefaciens*).

Кириш к-урниш чораларп: кучатзорларни унумяор тупрокларда ташкил килиш. тупрокка уз вактида шпллов бериш, касалланган усимликни ва уларнинг илдиз колдикларини йук килиб ташлаш.

Касаллик кузгатувчиси тупрокда узок муддат давомида сакланиб 2-3 йилдан кейин \ам, уругдаи унган кучатларни касаллангириши мумким. Касадликнинг энг кучли куриниши илдиз бугзи ва ук илдизнинг зарарланишида намоён булади. Касаллик туфайли кучатларнинг сув таъминоти кескин бузилиб, у^{сип}- ривожланишдан оркада колади. Бундай кучатлар тупрокка утказилганда кукариши жуда кийин булади. Илдиз раки асосан кучатлар, меҳнат куроллари ва хашаротлар воситасида таркалади.

Тутнинг бактериози

Республикамиз шароитида тут усимлигида бактериоз ва бактериал рак касалликлари учрайди. Тутнинг бактериоз касаллигини кузгатувчиси - *Pseudomonas mori* бактерияси булиб, касаллик Урта Осиё, Закавказье, Япония, Европа, Жанубий Африка, Америка, Австрия шароитида куп учрайди, респуб- ликамизда ушбу касалликни 1931 йил Н.Г.Запрометов аникдаган.

Pseudomonas mori бактерияси ок рангдаги таёкча шаклида булиб, учларида 7 та хивчинлар хосил килади. Улчами 1,8 4,5 x 0,9 1,3 мкм, спора хосил килмайди, грамманфий, аэроб шароитда /сади. Агарли озика мухитида ок, секин усувчи, юмалок, ялтирок, силлик колония хосил килади. Бу бактерия 1- 35°С хароратда усади, 25-30°С харорат оптимал булса, 51°С хароратда усишдан тухтайди. Киш фаслида -30° С совукка чидамли. Озика мухитида 3-12 йил давомида усиш хусусиятини сакдаб колади. Бактерияни касалланган усимлик новдасидан ажратиб олиш учун ташки томонидан стерилизация килинган булакчаларни озика мухити устига жойлаштириб 25°С хароратга куйилса, 3 кунда бактерия ажралиб чиқади.

Бактериоз касаллигининг келиб чиқиши, белгиларининг намоён булиши ва зарарини аниклаш учун уни сунъий усулда зарарлаш усулидан фойдаланилади. Бунинг учун тутнинг ёш новдвсига укол килиш, барг томирига укол килиш, баргни бактерия таёкчалари билан суркаш, куртакка укол килиш усулларида фойдаланилади. Тажриба учун 100 тадан усимлик касаллантирилганда касалланиш учун инкубация даври 4-11 кунни ташкил килади. Бактериянинг инкубация даври бахор фаслида 1 -2 кунга киска булиши билан характерланади. Лаборатория шароитида инкубация даври 3-5 кунни ташкил килади. Бу бактерия тут ипак куртига нисбатан патогенлик хусусиятини намоён килмайди.

Касаллик туфайли тутнинг энг учки баргллар, бир йиллик новда ва куртаклар зарарланади. Касап барглларда окиш хошияли кейинчалик корамтир ёгсимон доглар хосил булади. Дог усти корамтир саргиш ёпишкок модда билан копланати. Кучли зарарланган баргллар саргайиб кейинчалик тушиб кетади. Касалланган новдаларда эса корамтир доглар хосил булади. Куртаклар эса корайиб курийди. Касаллик кузгатувчиси кислота ва куёш нурига чидамли. Касаллик кузгатувчилари усимликка барг огизчалари, новдадаги ёриклар ва усиш нуктаси оркали киради. Касаллик белгилари усимлик турига караб 4-18

кунда намоён булади. Касалликнинг гаркалишига касалланган новда, барг, «учат, усимлик колдиги асосий восита хисобланади.

Тут дарахтини бактерия билан касалланиш даражасига караб 3 гуруҳга булинади. Кенриу - нави 2 баллга касалланади - 50 %. Кокосу-70, Кокосу-13, Сиозисо, Фусамаро, Кокросо навлари - 1 баллга касалланади - 1-34 %, Хасак, Ўзбекистан, Восток, САНИИШ навлари кам касалланади.

Тутнинг бактерия билан касалланишини хисобга олиш учун, тутзордаги барча дарахтларни каторасига кузатиш ёки ҳар бешта дарахтни утказиб хисоблаш усули фойдаланилади. Бунинг учун касалланиш даражаси балл билан белгиланади:

1 балл баргларида ва новдада қисман доғлар пайдо бўлган;

2 балл новданинг юқоридаги бештадан барглари касалланган;

3 балл новданинг юқоридаги баргларнинг барчаси касалланган, новдада ботик доғлар пайдо бўлган.

Касапликка қарши кураш чоралари профилактик ва агротехник усуллар ёрдамида амалга ошади. Касалликнинг олдини олиш учун касалланган кучат, ниҳол ва каламчапардан пайвандлашда фойдаланмаслик; хамиша соғлам усимликлардан каламчалар тайёрланиши керак; тутзорларнинг 1га ерига 6600 дан ортиқ кучат экмаслик; тупрокка ишлов бериш жараёнида 1га ерга 180 кг, 90 кг фосфор, 45 кг калий уғитларини тупрокка солиш; тутзорлардаги тупрокни кузда ҳайдаш. Тутзорлардаги бегона ўтларга қарши курашни ўз вақтида утказиш. Тутнинг касалланган новдаларини ердан 20см юқорида қирқиб олиб, усимлик колдикларини ёқиб юбориш. Касаллик намоён бўлган тутзорларга 100 л суда 1кг мис, ёки 1 кг оҳак аралаштириб пуркаш.

Тутнинг бактериал саротон касаллиги ёки илдиз раки

Бу касаллик *Bacterium tumefaciens* Er.Smith and Townsed томонидан келтириб чиқарилади. Бу касаллик барча меваги дарахтлар илдизига ҳам кузатилади. Касаллик белгилари дастлаб тананинг илдизга туташган жойида ҳосил бўлган ҳар хил шаклдаги шишлар тарзида намоён булади. Унинг катталиги 1см дан 10 см катталиқдаги думалок шаклда булади. Бундай усимталар илдиз бугизига, баъзан ёш пояда ва новдада ҳам ҳосил булади.

Шишларнинг юзаси дастлаб сиплик, кейинчалик гадир будир булади. Касаллик кейинчалик кучайиб, усимликнинг ушибини тўхтатади, баъзан қуриб қолишига сабаб булади. Рақли шишлар усимлик илдизига бир йилдан ўч йилгача сакланиб, юзасидан микроорганизмлар таъсирида парчаланиб боради. Касаллик фитомикларда кенг тарқалади.

Касалланган усимликлар ушибдан орқада қолади, совуққа чидамлилиги пасайиб, зарарланган жойдан сапрофит замбурўларнинг кириб келишига имкон беради. Касаллик кузгатувчиси факультатив паразит хисобланиб, сунъий озиқа муҳитида ва тупрокда ўзоқ вақт сакланиши мумкин. Тупрокда яшайдиган турлари бошқа усимликлар илдизига кириши ва уларни ҳам зарарлайди. Касалликнинг тарқалишида ҳашаротлар, меҳнат қуролилари воситасида йил Давомида усимликни зарарлаши мумкин. Усимликнинг бирламчи зарарланган

жоГшдаи паразит пккиламчи тўқмаларга утиб, иккиламчи шишлар (усмалай) косил килади, Инфекияниш таркалншила новдаларни киркган ток кайчисц хам сабаб булади.

Касалликнинг намоем булмшм учун зарур булган инкубацион давр бир икки ойни ташкил килади. Инфекция нам ортикча булган, ишкорли тупрокларда тез таркалади. Касаллик асосан кучатлик материаллар ёрдамида таркалади. Н.Г.Запрометов фикрича, шишларнинг анотоми- морфологик тузилиши билан хайвон ва одамлар шишининг тузилиши бир хиллигини таъкидлайди.

Касалликка карши курашиш учун янгидан ташкил қилинаётган питомниклар касаллик кузатилмаган майдонларда ташкил қилиниши керак. Касаллик белгилари кузатилган кучатлардан шишлар олиб ташланиши ва дезинфекция қилингандан кейин кучатларни хужаликларга бериш мумкин. Бундай кучатларнинг илдизи мис купороси, лой ва кумдан иборат аралашмада илдиз бугзигача булаб, кейин қуритиб жунатилиши керак. Шишлар олиб ташланган илдизлар 1 % ли мис купороси (5 минут), 0,1 % ли сулимага 3 минут давомида саклаш керак. Питомникларнинг зарарланган тупроқларини 5 ёки 150 г/м² микдорда хлорли охак билан ишлов бериш керак.

Теракнинг бактериял саротон (рак) касаллиги

Касаллик шишлар шаклида пайдо бўлиб, кейин ёрик хосил қилиб яралар шаклида ёрилади. Касаллик купрок пустлок ва луб қисми билан чегараланади. Касалликнинг таркалишига хашаротлар ёрдам берса, улар ёгочлик қисмига хам утиши мумкин. Табиатда бу касаллик хашаротлар орқали (ойначи) ва ёмгир томчилари билан таркалади. Бактериялар дарахтнинг узида яраларда сакланади.

Касаллик кузгатувчиси *Pseudomonas tumefaciens* Koning. Бактерияси бўлиб, улар улчами 0,5х2 мкм, граммусбат, таёкчасимон, спора хосил қилмайдиган, колониялари рангсиз. Глюкоза, сахароза, галактозапарда кислота хосил қилади, крахмални гидролизламайди, желатинни суюлтиради, нитратларни хосил қилмайд.

Бактериал рак касаллигига теракнинг балзалли, канада, берлин, хитой навлари чидамсиздир.

Кураш чоралари:

1. Зарарланган кучатларни даладан йук қилиб ташлаш;
2. Зарарланган новдаларни қирқиш, яраларни тозалаш, дезинфекция қилиш ва мойлаш;
3. Экинзорлардан касалликни ташувчи хашаротларни йук қилиш;
4. Теракни бактериал рак касалигига чидамли навларни экиш.

Токни бактерияли рак касаллиги

Касаллик кузгатувчиси - *Pseudomonas tumefaciens* Sm.et Towns бактерияси хисобланиб, уларнинг улчами 0,5х2 мкм, граммусбат, таёкчасимон, спора хосил қилмайдиган, коллониялари рангсиз. Глюкоза, сахароза,

галактозаларда кислота \ош килади, крахмал гидролизланмайди, желатинни суюлтиради, нитратларни холл килмайди.

